БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 185 (17.765). • 12 август 1980 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

Зарбдор меҳнатимиз — КПСС XXVI съездига

ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАРҚАТМАСЛИК ҲАҚИДАГИ ШАРТНОМАНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномада қатнашувчи давлатларнинг бу шартнома амалга оширилишини кўриб чиқувчи конференцияга тўпланган вакилларини табриклайман.

Конференция кучга кирганидан буён ўн йил ўтди ва ҳозир тўла асос билан айтиш мумкинки, бу шартноманинг тузилиши ер юзида тинчлик манфаатларини кўзлаб, ядро билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома ҳам катта, ҳам кичик мамлакатларнинг, ядро куролига эга бўлган ва эга бўлмаган мамлакатларнинг, саноати тараққий этган мамлакатларнинг ҳам, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳам манфаатларига самарали хизмат килади. Ана шу муҳим шартноманинг халқаро обрўси ва таъсирчанлиги бундан буён ҳам муттасил ўсиб боришига, уни қўлланиш доираси эса кенгайиб боришига аминман.

Шартнома атом энергиясини тинчлик мақсадларида қўлланиш соҳасидаги самарали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳам салмоқли негиз яратди, атом энергиясидан бунёдкорлик мақсадларида кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтирди.

Совет Иттифоқи ядро материаллари, машина-ускуналари, илмий ва техникавий ахборотни айирбошлашда жуда актив қатнашмоқда. Биз бу соҳадаги ҳамкорликни икки томонлама ва кўп томонлама асосда, шу жумладан халқаро атом энергияси агентлиги доирасида бундан буён ҳам ривожлантираверамиз. Биз нинг мамлакатимиз атомдан тинчлик йўлида фойдаланувчиларга ёрдам бериш учун ўзининг бой тажрибаси ва техникавий имкониятларини баҳам кўришга тайёрдир.

Совет Иттифоқи хусусан ҳозирги шароитда ядро билан куролланиш пойгасини тўхтатиш ва куролсизланиш юзасидан самарали тадбирлар кўриш тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга оширишни зарур, деб ҳисоблайди. Ядро куроли ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва бу куролни тугатиш, ана шу қурол синовларини тамомила тақиқлаш тўғрисидаги таклифларимиз ва бошқа таклифларимиз ҳаммага маълум. Биз бу таклифларнинг тезроқ амалга оширилишига эришмоқ учун сабот-матонат билан иш кўраверамиз. Ядро куролига эга бўлмаган давлатларнинг хавфсизлиги гарантияларини мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб, яна бир марта таъкидлаб ўтишни истайманки, Совет Иттифоқи ядро куролини ишлаб чиқариш ва сотиб олишдан воз кечган ҳамда ўз территориясида бундай қурол бўлмаган мамлакатларга қарши ҳеч қачон ядро куролини ишлатмайди. Биз шу хусусда ҳар қандай мамлакат билан битим тузишга, шуннингдек ядро куролига эга бўлмаган давлатларнинг хавфсизлиги гарантиялари тўғрисидаги халқаро конвенцияни тузишга тайёрмиз. Совет кишилари конференция ядро куролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг самарадорлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшади, бу шартномани янада мустаҳкамлайди, деб умид қиладилар.

Сизларнинг атом энергиясини тинчлик ва бунёдкорлик манфаатларигагина хизмат қилдиришга қаратилган масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА 1980 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пахтакор республикалар ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари: Озарбайжон ССРдан ўртоқ Т. Оружев, Тожикистон ССРдан ўртоқ А. Қ. Қосимов, Туркманистон ССРдан ўртоқ К. С. Сахатмуродовнинг республика колхоз ва совхозлари 1980 йилда қабул қилган социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ахборотни тинглаб, шуни қайд этадики, республика қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXVI съездига ҳозирлик кўриб, дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар, шу йил ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини қатъият билан бажармоқдалар.

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг катта ёрдами, колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг моҳирона ташкилотчилик иши туфайли ҳамма жойда ғўзанинг яхши ўсиши таъминланди, бу эса ғўза парвариши янада кучайтирилган тақдирда олинган мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун етарли ҳосил тўплаш имконини беради. Давлатга бошоқли экинлар донини сотиш йиллик плани ва пилла топшириқлари юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар ошириб бажарилди, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ўтган йилгидан илдамроқ бормоқда. Далаларда шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг мўл ҳосили пишиб етилмоқда.

Бу ишда қардош пахтакор республикалар ўртасидаги анъанавий социалистик мусобақа катта ёрдам бермоқда. Бу йилги мусобақа В. И. Ленин тугилган кунинг 110 йиллиги шарафига ва КПСС XXVI съезднни муносиб кутиб олиш учун айниқса кенг қулоч ёзди. Ў хўжаликларнинг коллективларини маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга, мавжуд резервлар ва имкониятларни аниқлаб, улардан тўлароқ фойдаланишга сафарбар этмоқда.

Ҳолбуки, мусобақадош дўстларнинг амалий текшириши республикаларнинг айрим районлари ва бир қанча хўжаликларидаги пахтазорларда бегона ўтлар борлигини кўрсатди, ғўзани қовжиратиб қўйиш ва кўллатиб суғориш фактлари аниқланди, эгатларни юмшатиш сифати паст эканлиги, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш сусайтириб юборилганлиги қайд этилди. Ҳосилга зарар етказиши мумкин бўлган бошқа камчиликлар ҳам бор.

Кегайли, Бухоро, Жиззах, Арнасой, Большевистик, Жарқўрғон, Комсомол, Чиноз, Олтиариқ, Урганч районларида ва бошқа баъзи районларда теким техникасининг ремонти чўзиб юборилмоқда.

Бир қанча областларда тайёрлов тармоғини янги ҳосилни қабул қилиш ва қайта ишлашга ҳозирлаш иши сust олиб борилмоқда.

Ем-хашак тайёрлаш ишлари бўшаштириб юборилганини кўрсатувчи фактлар мавжуд.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзаро текшириш давомида аниқланган камчиликлар айрим область ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақани уюштириш иши устидан, колхозлар, совхозлар, бригадалар, фермалар социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликлари устидан назоратни бўшаштириб юборганликлари оқибатидир, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва сув хўжалиги, Пахта тозалаш саноати, Тайёрлаш министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш моддий-техника таъминоти давлат комитети, «Ўзплодоовощвинпром» бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари, колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари зиммасига ҳар бир район, хўжалик, бригадада ўзаро текшириш бригадалари аниқлаган камчиликларни тезроқ тузатиш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини юклади.

Ғўза парваришини кучайтириш, терим техникасини ва тайёрлов тармоғини ҳозирлаш ишларини тезроқ тугаллаш, ғўза баргини тўкиришни пахтанинг эрта ривожланишини ҳисобга олиб, энг мақбул муддатларда ўтказиш — партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг, колхоз ва совхозларнинг биринчи галдаги вазифаси эканлигга таъкидланди.

Ҳамма жойда ўсимликлар бегона ўтлардан қисқа муддатларда тозаланиши, ҳосили машиналарда териладиган далалар аниқ белгилаб қўйилиши ва улар лозим даражада тайёрланиши зарур. Уруғлик участкаларига алоҳида эътибор берилиб, етарли миқдорда юқори сифатли уруғлик тайёрлансин.

Яқин кунларда тажрибали механизаторларни машиналарга бириктириш, терим-транспорт отрядларини тузиш ишларини тугаллаш юзасидан ҳамма зарур тадбирлар кўрилиши керак. Аэродромлар, транспорт воситалари, тош-тарозилар шай қилиб қўйилсин, йўллар, кўприклар, майдончалар, пахта сақланадиган, қуритиладиган бостирмалар ремонти тугаллансин.

Пахта теримига тайёрланиш билан бирга маккажўхори донини йиғиштириб олишнинг юксак суръатлари таъминланиб, бу иш пахта терими мавсуми бошлангунча тугалланиши керак. Шоли ўримига тайёргарлик кучайтирилсин, мева, сабзавот тайёрлаш теалаштирилсин, уни узлуксиз қабул қилиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилсин, аҳолини янги узилган мева ва сабзавот билан таъминлаш яхшилансин.

Чорвачилик маҳсулоти тайёрлаш топшириқларини сўзсиз бажариш юзасидан тадбирлар кўрилиши зарур. Дала шийпонларидаги ишни яхшилаш, оммавий-сиёсий ишларни дала шийпонларига кўчириш, қишлоқ меҳнаткашларига намунали медицина, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни таъминлаш — қўпгина муҳим вазифадир.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига 1980 йилги мажбуриятларни бажариш, КПСС XXVI съезднни муносиб кутиб олиш соҳасидаги социалистик мусобақанинг боришини батафсил ёритиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, республика касаба союз ва комсомол ташкилотлари, барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдирадилар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳамма турларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, КПСС XXVI съездини юксак меҳнат зафарлари билан нишонлайдилар, деб қатъий ишонч билдиради.

Кимёгарлар — деҳқонларга

Навоий электрохимия заводи шу йилнинг бошларида ишга туширилган эди. Бу ерда самарали ноторан гербицини тайёрланади. Корхона коллективи партиямизнинг XXVI съезди шарафига планга қўшимча 70 тонна ноторан тайёрлаб беришга аҳд қилган. Суратда: илгор аппаратчи В. Леоненко ва заводнинг умумий кўринниши.

Ш. Алимов фотолари. (ЎзТАГ).

Ч. Р. РАО ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий Кенгашининг Бош секретари Чандра Ражешвара Рао бир неча кун давомида Ўзбекистон ҳаётн билан танишди.

Ч. Ражешвара Рао 10 август куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

11 август куни ЧССРнинг СССРдаги элчиси Ч. Ловетинский КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаковга — Музаффар февраль орденини топширди. К. В. Русаков КПСС билан ЧКП, СССР билан ЧССР ўртасида дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорликни ривожлантиришдаги хизматлари учун шу орден билан мукофотланганди.

(ТАСС).

СЪЕЗДОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

УРГАНЧ, 11 август. (ЎзТАГ). Хоразм областининг минг-минглаб ишчилари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, йиллик топшириқни СССР Конституцияси кунигача ва Октябрь байрамигача бажаришга аҳд қилдилар. Область пахтакорлари камида 425 минг тонна пахта етказиб беришдан иборат мажбуриятларини 7 ноябргача бажариш учун курашмоқдалар. Ғаллакорлар шу мавсумда 172 минг тонна дон, шу жумладан 95 минг тонна шоли етиштириш ниятидалар. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш мўлжалланмоқда. Область партия активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида ана шулар тўғрисида гапирилди. Йиғилиш қатнашчилари область партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов шу ҳақда доклад қилди.

Қабул қилинган қарорда ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланишга, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

ҲОСИЛ ВАХТАСИ

ПАХТА ОЧИЛГУНЧА

Ўзбекистонда ҳамон ҳаво иссиқ. Ҳозир ғўзаларга синчковлик билан алоҳида парваришлаш керак. Суғориш кечикса ниҳоллар гуллари, тугунчаларини тўкади. Культивация кечикса ҳам айнан шундай бўлади. На гуллар, на кўсаклар тўкилмаяпти. Чунки пахтакорлар кеча-кундуз пахтазорларда жавлон уряпти.

Тошкент область Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз. Бригадир Р. Раззоқов билан тупларни кўсакларни санаймиз: саккизта, ўнта, ўниккита... чакки эмас. Бироқ, бригадирнинг кўнгли тўлмаяпти.

— Гектаридан 30—35 центнердан пахта хирмони кўтараман деган деҳқонлар учун, — дейди у, — бу етарли. Бизнинг мажбуриятимиз 50 центнердан-ку. Демак, тупда кўсаклар кўпроқ бўлиши керак. Шунга ҳаракат қиламиз.

Деҳқонлар фурсатни қўлдан бой бермаяптилар. Қатор оралариига бир неча бор ишлов бердилар, озиқлантирдилар, суғордилар. Х. Эшонқулов қўёш чиққунча тракторини пахкалга киритяпти. Сувчилар Д. Каримов, А. Ҳамидов, Х. Каримов ва Т. Саидов кеча-кундуз сув тараяпти. Ҳозирги иссиқ кунларда ғўзаларни кеча-кундуз суғориш керак.

Бошқа кўпгина фактлар ҳам пахта далаларидаги юқори меҳнат шижоатидан далолат беряпти. Ҳозиргина «Ленин йўли» колхози аъзоларининг умумий йиғилиши бўлди. Қишлоқ коммунистлари, меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кучайтириш ҳақидаги қарорига жавобан янги оширилган мажбурият қабул қилдилар. Р. Каримова бригадаси 38 центнердан хирмон кўтаришни белгилаган эди. Энди ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга сўз берди. Г. Одилов ва М. Музаффаров бригадалари гектаридан аввалги белгиланган 40 центнер ўрнига 50 центнердан, М. Жўраев бригадаси эса 60 центнердан пахта топширишга аҳд қилдилар.

Пахтакорларнинг сўзи билан иши бир. Механизаторлардан С. Ҳасанов, Д. Рамазоновлар фурсатдан ютиш, энг яхши муддатларни бой бермаслик учун культивация билан бир вақтда қатор ораларини юмшатиб, ўсимликни чеканка қилмоқдалар. Кўшни хўжаликларнинг тракторчилари ўз ишининг усталаридан ибрат олмоқдалар. Бир вақтнинг ўзида агрегатлар ёрдамида уч хил жараённинг бажарилиши дала ишларини анча тезлатиш имкониятини бермоқда.

— Бошқа барча хўжаликларимизда ҳам, — дейди Бўка район партия комитетининг биринчи секретари Т. Исломов, — аввалгига нисбатан анча юқори марралар белгилаб олинди. Район меҳнатчилари олдин қабул қилган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар, бу йил давлатга 80 минг тонна эмас, балки 85 минг тонна пахта сотишга қарор қилдилар, бу гектаридан ўртача 39 центнердан ҳосил олиш демакдир.

Бўкалик пахтакорлар йиғим-теримга пухта тараддуд кўрмоқдалар. 400 та пахта териш машинаси, мингта трактор прицепининг ҳаммаси созлаб қўйилди. «Зангори кемаларда ишлаш учун энг тажрибали механизаторлар танланди. 41 та терим-транспорт отряди тузилди. Экипажларнинг иши икки сменада ташкил этилади. Ўтган йили механизация ёрдамида ҳосилнинг 82 процента териб олинган эди, бу йил район бўйича машина терими 90 процентга қадар етказилади.

Юқори ҳосил учун курашаётган бошқа қишлоқ хўжаликлар номини ҳам аташ мумкин. Бухоро области Ромитан райони пахтакорларининг ташаббуси бутун республикага яхши маълум. Улар КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, давлатга планда белгиланган 42 минг тонна ўрнига 60 минг тонна пахта топширишга, ҳосилдорликни 50 центнергача етказишга қарор қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган ромитанликларнинг бу ташаббусини бутун республика пахтакорлари қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, Сурхондарё область Кумқўрғон районининг деҳқонлари пахта терминги фақат ўз кучлари билан ўтказиш ва бу ишни — 1 ноябрга, яъни одатдагидан бир ой олдин тугаллаш мажбуриятини олдилар.

Ҳамма жойда мусобақадош хўжаликларнинг анъанавий ўзаро текширишлари ўтказилди. Улар ғўза парваришини ташкил қилиш, йиғим-теримга тайёргарлик кўришда бир-бирларидан кўп нарсаларни ўргандилар. Айни кезда камчиликлар ҳам очиб ташланди. Қатор районларда кейинги вақтларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш суръати сусайтириб юборилди. Ҳамма жойда ҳам сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда деб бўлмайди. Бу йил пахтанинг эрта очилиши кутиляпти, шунга қарамай Қорақалпоғистон АССР, Жиззах ва Хоразм областларида терим машиналарининг анчагина қисми дала ишларига тайёр эмас. Баъзи жойларда ремонтнинг сифати паст. Республика партия, совет, хўжалик органлари муҳим техника экини парваришини янада кучайтириш, ҳосилни нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга қаратилган чораларни кўрмоқдалар.

Н. ГЛАДКОВ,
«Правда» мухбири.
Ўзбекистон ССР.

(«Правда»дан).

ИЛМ-ФАННИНГ КОСМОСГА ПАРВОЗИ

СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ЖУРНАЛИСТЛАРИ УЧУН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

11 август куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференцияси «Интеркосмос» программасининг навбатдаги муваффақиятига — СССРнинг космонавт учувчиси В. Горбатко билан ВСРнинг тадқиқотчи космонавти Фам Туандан иборат составдаги олтинчи халқаро экипажнинг учишига бағишланди.

Совет-Вьетнам экипажининг аъзолари, олимлар, космонавтларни тайёрлаш марказининг раҳбарлари журналистлар билан учрашувга келдилар. Залда ВСРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Май ҳозир бўлади.

СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири Ю. Черняков СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги медикобиологик проблемалар институтининг директори академик **О. Газенкога** сўз беради.

Жаҳон космонавтикасининг йилномасига, деди у, навбатда эришилган муваффақият ёзилди — «Интеркосмос» программасига мувофиқ киши бошқарадиган олтинчи халқаро учиш ниҳоясига етказилди. Космонавтлар Виктор Горбатко билан Фам Туан ўз вазифаларини қойил қилиб бажардилар. Вьетнам Социалистик Республикаси ўз космонавтига эга бўлди. Ў Америка агрессорларига қарши озодлик урушининг қаҳрамони, мардона Вьетнам халқининг жасур фарзанди Фам Туан эди.

Бу учиш қардош социалистик мамлакатлар космик фазони тадқиқ этиш ва ўзлаштиришдаги улкан вазифаларни ҳал этишга қодир эканликларини яққол кўрсатди. Виктор Горбатко ва Фам Туан «Салют-6» орбитал станциясида беш ойдан бери ишлаётган Леонид Попов ва Валерий Рюмин билан бирга етти кун мобайнида кенг кўламдаги илмий-техника тадқиқотлари программасини бажардилар.

Совет-Вьетнам халқаро экипажи экспериментлари программасининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши — қардош мамлакатлар олимлари ва мутахассисларининг мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигининг намунаси. социалистик интернационализмнинг ёркин тимсолидир.

Ҳар бир халқаро экипаж учишининг илмий вазифалари «Интеркосмос» умумий комплекс илмий-техника программасининг бир қисми бўлиб, бу программада ўнта социалистик мамлакат қатнашмоқда.

Космик фазони ўзлаштириш суръатлари ошиб бормоқда, деди сўнгра олим, космоса чиқиб тушган кишилар сони юзга яқинлашиб қолди. Шунга қарамай, ҳар бир учиш космонавтларнинг қаҳрамонлиги ва фидокорлиги, шунингдек уларнинг орбитадаги ажойиб меҳнатларининг натижалари жиҳатидан бизни ҳаяжонга солиш ва қойил қолдиришда давом этмоқда. Гап шундаки, узоқ ёки қисқалигидан қатъи назар ҳамма учишлар космосни тадқиқ этиш ва ўзлаштиришда янги қадам бўлиб, бизни космик муҳит ва одамнинг ўзи тўғрисидаги янгидан янги маълумотлар билан бойитмоқда.

Матбуот конференциясига келиш олдидан, деб давом қилди академик О. Газенко, учиш тўғрисидаги медицина ҳужжатларини кўриб чиқдим. Улардан кўринишича, экипаж бутун экспедиция чоғида етарлича юксак иш қобилиятини сақлаб қолган, белгиланган учиш программасини муваффақиятли бажарган. Эксперимечт ва кузатишлар муттасил қизиқиш ва диққат-эътибор билан бажарилган. Учишни бошқариш марказининг мутахассислари экипажнинг ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлигини, мўлжалланган тадқиқотлар ва экспериментларни юксак илмий даражада ўтказиш иштиёқида бўлганлигини доимо қайд этиб турганлар. Бугун бизда В. Горбатко билан Фам Туанни космик орбиталарда эришилган янги ютуқ билан қутлаш учун ҳамма асослар бор.

Олтинчи интернационал космик экипаж командири СССРнинг комонавт учувчиси **В. Горбатко** сўз олади.

Учиш программаси, деди у, совет ва вьетнам олимларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан тузиб чиқилди. У «Интеркосмос» программасида қатнашувчи социалистик мамлакатлар ўтказаётган тадқиқотларнинг давоми бўлди ва Вьетнам Социалистик Республикасининг космик тадқиқотларга бўлган қизиқишини назарда тутди. Халқаро экипажларнинг бундан аввалги учишларда бир қанча социалистик мамлакатларнинг мутахассислари яратган аппаратлардан фойдаланган ҳолда бошланган ишларини давом эттириш кўзда тутилди. Совет-Вьетнам экспедициясининг программасига ерни дистанцион зондлаш борасидаги кенг миқёсдаги экспериментларни ўтказиш киритилган бўлиб, у геологик-геоморфологик, иқлимий тадқиқотларни ўз ичига олади. Технологик ва медицина-биология тадқиқотларига анчагина учиш вақти ажратилди.

Кема командири станция ичида биргалашиб ўтказилган экспериментлар тўғрисида муфассал гапириб берди. Бизнинг иш графигимиз асосий экипаж бажарган программа билан олдиндан келишиб олинган эди.

Учишнинг девомати оз бўлишига қарамай, тадқиқотлар программаси тор доирадаги мақсадга қаратилмаган эди. Станцияда ўрнатилган аппаратлар ҳамда унинг энергия имкониятлари кенг кўламда илмий тадқиқотлар комплексини ўтказишда имкон бериши сабабидан шундай эди. Бу нарса экипажга ҳатто шунчалик қисқа учишда ҳам ВСР ва СССРдаги кўпгина илмий ташкилотларнинг манфаатлари йўлидаги ишларни бажаришларига имкон берди.

Халқаро экипаж командири пировардида учишнинг муваффақиятли бўлишини таъминлаган космик тадқиқот бунёдкорларига, Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказининг, учишни бошқариш марказининг космодром ва бошқа ҳамма хизматларнинг мутахассисларига миннатдорчилик билдирди.

Журналистлар Вьетнамнинг тадқиқотчи космонавти **Фам Туанни** қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар.

Менга, Вьетнам Социалистик Республикасининг гражданига «Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг халқаро экспедиция составида қатнашишдек юксак шараф кўрсатилди. Менга кўрсатилган катта ишонч учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетидан, Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетидан, СССР ва ВСР ҳукуматларидан ғоятда миннатдорман.

Мамлакатимнинг космик орбитага чиқиши бутун халқимиз Вьетнам Коммунистик партияси ташкил топган куннинг эллик йиллигини, Хо Ши Мин туғилган куннинг 90 йиллигини ҳамда Вьетнам мустақиллиги эълон этилган куннинг 35 йиллигини нишонлаётган юбилей йилида бўлганлигидан ватандошларим билан бирга бахтиёрман.

Фам Туан орбитал станцияда ҳаёт тўғрисида, орбитада ўтказилган экспериментлар ҳақида гапириб берди. Бир қанча визуал инструментал тадқиқотлар, жумладан, геология, қишлоқ хўжалиги, океанография, гидрология ҳамда ВСР ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг манфаатлари йўлида табиий муҳитни ўрганишга таллуқли бўлди. Вьетнам территориясини картография қилиш учун фотоматериаллар олиш мумкин бўлди.

Леонид Попов ва Валерий Рюмининг бебаҳо ёрдамлари туфайли ана шу тиғиз программани бажаришга муваффақ бўлдик, деди Вьетнам космонавти. Фам Туан халқаро учишни таъминлашда қатнашган барча коллективлар ва ташкилотларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Матбуот конференцияси пировардида олимлар ва космонавтлар журналистларнинг берган саволларига жавоб қайтардилар. (ТАСС).

ЭНГ ЯХШИЛАРГА — МУКОФОТЛАР

СССР Министрлар Совети СССР Госстройи, СССР Фан ва техника давлат комитети ва ВЦСПСнинг тақдимномасини кўриб чиқиб, Қурувчилар куни арафасида «Энг яхши лойиҳаларни ишлаб чиқанлик ҳамда шу лойиҳаларга мувофиқ корхоналар бинолар ва иншоотлар қурганлик учун СССР Министрлар Советининг 1980 йилги мукофотларини бериш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Пирик саноат комплекслари, қишлоқ хўжалик объектлари, маданий-маиший бинолар қуриш учун асос қилиб олинган 40 та лойиҳанинг авторлари мукофотларга сазовор бўлдилар. Лойиҳа ва техника ечимларининг юксак даражаси қурилиш муддатларини қисқартириш, унинг қийматини камайтириш, ишлаб чиқариш ходимларига эса янги қувватларни тез ўзлаштириш имконини берди.

СССР Министрлар Советининг қарори «Строительная газета»нинг якшанба куни байрам сонида тўла эълон қилинди.

(ТАСС).

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ КПСС XXVI СЪЕЗДИГА

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ — ОЛТИНДАН ҚИММАТ

Сўз — Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари ўзаро текшириш бригадалари раҳбарларига

Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон қишлоқ меҳнаткашларининг ўзаро текшириш бригадалари Узбекистондаги ишларини тугалладилар. 11 август куни уларнинг фаолияти якунланди.

Ўзаро текшириш ишлари партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳамма жойда ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили планларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун бутун куч-ғайратни сарфлаш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмалари туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда ўтди. Пахтакор республикалар меҳнаткашларининг тарихга чуқур томир ёйган ижодий ҳамдўстлиги ленинча миллий сиёсат қуёшидан, пролетар интернационализми ғоялари нуридан баҳра олган ажойиб анъана бўлиб қолди. Бу анъана Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизнинг пахта соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини тубдан юксалтириш учун кураш авж олган пайтда вужудга келган эди. Биргаликдаги меҳнатда мустаҳкамланиб, кенг қанот ёйган, қудратли таъсирчан кучга тўлиб-тошган бу мусобақа эндиликда қардош республикаларнинг дала ва фермалари меҳнаткашларига ўз олдиларига қўйилган вазифаларни дадил ҳал этиш имконини бермоқда.

Куни кеча тугалланган ўзаро текшириш давомида мусобақадош дўстлар республика хўжаликларида беш йилликнинг якунловчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини чуқур ва атрофлича таҳлил этишди. Улар Узбекистон деҳқонларининг совет пахтачилигини ривожлантиришда эришган муваффақиятларига, бу ишга катта ҳисса қўшаётганликларига муносиб баҳо бердилар. Қардош республикаларнинг вакиллари Узбекистон пахтакорлари орттирган тажрибадан кўпгина фойдали жиҳатларни ўрганиб олдилар, бу тажрибанинг қишлоқ хўжалигидаги мана шу муҳим тармоқни янада ривожлантиришдаги аҳамиятини уқтириб ўтдилар. Шу билан бирга меҳнат қардошлиги принципларига садоқат билан улар ҳали мавжуд бўлган камчиликларга чин дўстларга хос синчковлик ва талабчанлик билан эътиборни қаратиб ўтдилар. Уларнинг ўртоқларча мулоҳазалари, маслаҳатлари ва тавсиялари нуқсонларни тезроқ тугатишга кўмаклашишга, мўл, эрта ва юқори сифатли ҳосил олиб, бу йил Ватанга камида 5 миллион 850 минг тонна Узбекистон «оқ олтини»ни бериш тўғрисидаги ваъдаларини шараф билан бажаришда, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни юксак даражада кўпайтиришга эришишда Узбекистон пахтакорларига ёрдам беришга қаратилган.

Ўзаро текшириш якунлари юзасидан қабул этилган ва Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бугун эълон қилинаётган қарори республика қишлоқ меҳнатчиларининг навбатдаги вазифаларини белгилайди, қишлоқ хўжалигининг барча ходимларини, партия ва совет органларини, жамоат ташкилотларини КПСС XXVI съездини ва Узбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш, бутун ишнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсади сари йўлпайди.

ЮКСАК МАҲОРАТНИ ҲАР БИР БРИГАДА ЎРГАНСИН

Т. ОРУЖЕВ
Озарбайжон ССР тайёрлаш министри

Узбекистон ва Озарбайжон пахтакорларининг анъана тусини олган мусобақаси илғор тажрибани умумлаштириш ва ўрганишда муҳим роль ўйнайди, ишдаги камчиликларни аниқлаш ва тугатишда, янги имконият ва резерварни қидириб топиб, улардан фойдаланишга ёрдам беради. КПСС XXVI съездига тайёргарлик даврида ўзбеклар диёрида бўлган бу галги учрашув, ягона оила бўлиб янги коммунистик жамият барпо этаётган совет халқлари бузилмас дўстлиги ва қардошлигининг ёрқин намойишига айланди.

Бригадамиз қилган иш тўғрисида гапиришдан аввал республикамиз меҳнаткашларининг ишларини, экономика ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятларини сизларга маълум қилмоқчиман.

Яқинда биз Озарбайжон ССР ва Озарбайжон Компартиясининг 60 йиллигини барча қардош республикаларнинг вакиллари билан бирга тантанали равишда нишонладик. Совет ҳокимиятининг олтмиш йили мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 156 баравар ўсдл. Қишлоқ хўжалиги ҳам тез суръатлар билан ривожланди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш етти баравардан зиёд кўпайди. Сурункасига ўн йиллан бери республикамиз Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқмоқда. Озарбайжон меҳнаткашлари саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ўнинчи беш йиллик плани барвақт бажарилганлиги тўғрисида шу йил март ойида партиямга, Ватанга ифтихор билан маълумот бердилар. Ана шу муваффақиятлари учун Озарбайжон ССР Ленин орденига сазовор бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежнев республика меҳнаткашларини саммий табриклади.

Озарбайжон пахтакорлари ҳам йил сайин юксак натижаларга эришмоқдалар. Бултур республика давлатга 742 минг тонна пахта сотди, бу йил эса Озарбайжон деҳқонлари янги маррага эришиш—800 минг тонна пахта етиштириш вазифасини ўз олдиларига қўйдилар.

Биз бир ҳафта давомида Узбекистонинг ажойиб деҳқонлари иши билан таништик, Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Наманган областларининг хўжаликларини бориб кўрдик. Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари 200 тадан кўпроқ колхоз ва совхозда бўлдилар, жуда соз ҳосил миришкорлари билан учрашдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари ажойиб ҳосил етиштириб, 1980 йилги юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун замин яратганликларини ўз кўзимиз билан кўриб ишонч ҳосил қилдик.

Умуман ҳамма жойдаги ғўзалар яхши ривожланаётганини айтиб ўтмоқ керак. Бу гап аниқса, ғўза парваришини ўз вақтида ва агротехника жиҳатидан юқори даражада ташкил қилган ғўзаларнинг нормал ўсиб ривожланишига эришишга муваффақ бўлган колхоз ва совхозларга тааллуқлидир. Кўпгина далаларда ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосил тугунчалари старли равишда тўпланди, бу эса олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш имконини беради. Биз Иштихон, Калачнин, Янгийўл, Чиноз, Дўстлик ва бошқа кўпгина районлардаги пахтакорларнинг меҳнатдаги куч-ғайратларини юксак баҳолаймиз. Улар мўл пахта ҳосили олиш учун пухта замин яратдилар.

Мирзачўл ва Жиззах даштига қилинган сафар бизга алоҳида мамнуният бахш этди. Биз бир вақтлар ҳувиллаб ётган мана шу саҳроларда катта ўзгаришлар рўй берганининг шоҳиди бўлдик, чўлни яшнаб турган воҳага айлантирган ва айлантираётган деҳқонлар, мелиораторлар, механизаторлар қаҳрамонона меҳнатининг натижаларини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Жиззах областида еттита ихтисослаштирилган совхоз негизида ташкил этилган республикадаги энг ёш Зарбдор районда меҳнатчиларининг иши бизда катта таассурот қолдирди. Бу ерда агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилмоқда, ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш олиб борилмоқда, суғорин яхши ўтказилмоқда, берилган ваъдани шараф билан бажариш, Узбекистонинг катта пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳамма иш қилинмоқда. «Прогресс» совхозининг бригадири Мақсуда Фозилова билан учрашувдан ғоят мамнун бўлдик. Олий ўқув юрти дипломини олган бу ёш аёл уч йил муқаддам Жиззахнинг қўрик даштини ўзлаштириш учун Фарғонадан бу ерга келган экан. 1979 йилда бригадир бўлиб ишлаб гектар бошига 37 центнер пахта ҳосили олибди. Бу йил эса 50 центнерлик «оқ олтин» хирмони кўтаришга ваъда беряпти.

Большевистик районида 50 центнерлик ҳосил учун курашаётган Карл Маркс номли колхоз пахтакорларининг меҳнати юксак мақтовга лойиқдир. Бу ерда 72 центнерлик ҳосил етиштиришга интилаётган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра Кўмаков бригадаси ва гектар бошига ҳосилдорликни 73 центнерга етказишга қарор берган Мейли Қўқоров бошчилигидаги бригада коллективи чинакам маҳорат намуналарини кўрсатмоқдалар. Биз Чиноз районининг Киров номли колхозидан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Янгийўл районининг «Ленинизм» колхозидан Аноржул Эгамназаров, Бекобод районининг Ленин номли колхозидан Адолат Рўзматова ва «Далварзин» совхозидан Отахон Бобохонов, Ғалаба районининг «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Абдусаттор Сулаймонов бошчилик қилаётган пахтачилик бригадалари ва беш йилликнинг тугалловчи йилини рекорд пахта ҳосили йилига айлантириш мажбуриятини олган бошқа кўпгина коллективлар зарбдор ишларини айниқса мамнуният билан қайд этамиз.

Колхоз ва совхозларда бўлганимизда, илмий муассасаларни ва қишлоқ хўжалик корхоналарини бориб кўрганимизда қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларини ривожлантириш масалалари билан ҳам қизиқиб танишдик. Самарқанд районида чорвачиликни саноат негизига кўчириш иши муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ердаги чорвачилик комплексида айни бир вақтда 13 минг бош қорамол боқилмоқда. Комплекс меҳнаткашлари гўшт етиштириш ва ғунажин боқиш билангина шуғулланмасдан мустаҳкам ем-хашак базасини ҳам вужудга келтирмоқдалар. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд филиалида селекциячиларнинг мевали дарахтлар ва токларнинг янги серҳосил навларини етиштириш иши билан танишдик.

Биз қаерда бўлмайлик, ҳамма жойда деҳқонлар фидокорона меҳнатининг намуналарини кўрдик, қишлоқ меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан ниқадар зўр ғиёсий активлик ва меҳнат ғайрати билан ишлаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Шу билан бирга бир қанча хўжаликларда ғўза парваришида камчилик ва нуқсонлар аниқланганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Айрим жойларда хотиржамликка йўл қўйилмоқда, агротехника тадбирларини ўтказишга эътибор сусайиб қолган. Ўрта Чирчиқ, Жиззах, Каттақўрғон районлари хўжаликларида мана шундай фактлар учради. Айрим жойлардаги ғўзаларни чилпиш пайсалга солинмоқда, баъзи хўжаликлардаги ғўза дарҳол суғорилиши керак. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни олдиндан аниқлаш хизмати ҳамма жойда ҳам яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Шунинг оқибатида айрим участкаларни ҳашарот босган.

Маълумки, бу йил Узбекистоннинг кўпгина районлари далаларида пахтанинг эрта пишиб етилиши кутилмоқда. Бу эса пахта терш машиналари ва транспорт воситаларини теримга ўз вақтида шай қилиб қўйишни талаб этади. Бироқ, бир қанча районларда терим техникасини ремонт қиляпти ва тайёрлаш орқага сурилмоқда. Пахта терш машиналарини сифатсиз ремонт қилиш фактлари ҳам учраб турибди.

Мана шу камчиликлар область ва район партия комитетлари бюро мажлисларида батафсил гапириб берилди. Ҳамма жойда бизнинг маслаҳат ва мулоҳазаларимизга зўр эътибор билан қаралди, нуқсонларни тугатиш юзасидан зарур чоралар белгиланди.

Биз Узбекистонда бўлган чоғимизда ҳар бир меҳнат коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил июнь Пленуми қарорларига зарбдор меҳнат билан жавоб беришга интилаётганини, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва бутун иш сифатини янада ошириш программасини белгилаётганини ўз кўзимиз билан яққол кўрдик. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумдаги докладида пахтакорлар ва мелиораторларнинг фидокорона меҳнати билан мамлакатда пахта етиштиришни муттасил кўпайтириш учун пухта замин яратилганини айтди. Деҳқонлар мана шу йўл-йўриқларга амал қилиб, қатъият билан янги зафарларга интилмоқдалар.

Бизнинг Озарбайжонда, барча пахтакор республикаларда ҳам Узбекистонни ҳақли равишда «пахтачилик академияси» деб, Узбек пахтакорларини эса чинакам мўл ҳосил усталари, деб атайдилар.

Биз борган ҳамма жойларда самарали ишлашимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилди. Узбек дўстларимиз ўзларининг бой тажриба ва билимларини бажонидил ўртоқлашдилар, ўз маҳоратлари сирини саховат билан очиб бердилар.

БЕЛГИЛАНГАН МАРРАЛАРГА ЭРИШАЙЛИК

А. ҚОСИМОВ
СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Главтаджикводстрой» бошлиғи

Узбекистон ва Тожикистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси совет халқлари қардошларча дўстлигининг ёрқин ифодаси, ленинча миллий сиёсатнинг тантанасидир. Бу мусобақа республикаларимизнинг социал иқтисодий ва маданий даражасини планли равишда юксалтиришнинг муҳим воситаси бўлди.

Бу йилги учрашувимиз жуда катта аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда барча совет кишилари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар ва Ленин партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб олмоқдалар.

Қардош ўзбек халқи ўнинчи беш йиллиги тўрт йили мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг асосий турларини топшириш планларини анча ошириб бажарганлиги бизни қувонтиради.

Республика қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасининг ўсганлиги, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, концентрациялаш ва аграр-саноат интеграциясининг кенг қўламда амалга оширилаётганлиги ва экономикадаги бу тармоқнинг саноат негизига кўчирилаётганлиги Узбекистон деҳқонлари ва чорвадорларининг катта ютуғидир.

Узбекистон меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллиги якунловчи йилида 5 миллион 850 минг тонна пахта олиш, 4 миллион тоннага яқин пахтани машиналарда териш, 3 миллион тонна дон, 1 миллион 370 минг тонна сабзавот, 355 минг тонна узум етиштириш, гўшт, сут, тухум ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бошқа турларини тайёрлашни анча кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Бу мажбуриятлар шараф билан бажарилажагига шак-шубҳа йўқ.

Тожикистон илғор хўжаликларининг пахтакорлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва 1979 йил ноябрь Пленумларида берган кўрсатмалари ва маслаҳатларига амалий иш билан жавоб бериб, КПССнинг XXVI съездини кутиб олиш арафасида ҳар гектар ердан 50—60 центнер пахта ҳосили олиш учун ватанпарварлик ҳаракатини авж олдирдилар, илгари олинган социалистик мажбуриятларни кўпайтириш мақсадида уларни қайта кўриб чиқдилар. КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарорига жавобан бу йил давлатга камида 950 минг тонна пахта сотишга қарор қилинди.

Тожикистонда беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида гўшт етиштириш 11 процент, сут 20 процент, тухум етиштириш 43 процент кўпайди. Чорва моллар ва паррандаларнинг сони ортди, уларнинг маҳсулдорлиги бирмунча ошди.

Республика бу йил давлатга қоракўл тери ва пилла сотиш йиллик планини бажарди, чорвачилик маҳсулотларини сотиш ярим йиллик плани ошириб бажарилди.

Тожикистон меҳнаткашлари фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида белгиланган режаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш ва совет халқининг фаровонлигини анча оширишдан иборат асосий вазифани ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишга қатъий қарор бергандир.

Ўзаро текшириш бригадамиз шу кунларда Узбекистоннинг Андижон, Фарғона, Сирдарё ва Сурхондарё областлари колхоз ва совхозларида бўлди. Биз дала ва фермаларнинг ходимлари билан, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари билан учрашдик ва кишиларнинг белгиланган мўлжалларига эришиш учун зўр сабот-матонат билан меҳнат қилаётганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Сирдарё областидаги Сирдарё, Оқ олтин, Боёвут районлари, Фарғона областидаги Киров, Узбекистон ва Қувва районлари, Андижон областидаги Ленин, Избоскан ва Пахтаобод районлари, Сурхондарё областидаги Жарқўрғон, Сариосиё районларининг пахтазорлари ўзаро текшириш бригадамизнинг аъзоларида яхши таассурот қолдирди. Бу районлардаги хўжаликларда суғориладиган ернинг ҳар гектаридан, техника, ўғит, сувдан ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланмоқдалар. Неча ўнлаб илғор бригадалар ҳар гектар ердан 50—60 центнер пахта олиш учун курашмоқдалар.

Андижон ва Фарғона областларидаги энг яхши хўжаликлар қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик ва яхлит методларини қўлламоқдалар. Бу чора экинларни ҳимоя қилиш самарадорлигини анча оширади ва қилинадиган сарфларни камайтиради. Бу тажрибани кенг қўлланиш керак.

Жойларда олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашда ҳосил тўплашнинг агротехника тадбирлари комплекси амалга оширилмоқда. Биз борган жойларда юқори ҳосил усталари ҳар бир соатдан, ҳар бир очиқ кундан моҳирлик билан фойдаланаётганликларини кўрдик. Август ойининг охиригача, Андижон ва Фарғона областларининг шимолидаги айрим районларда, чигит қайта экилган участкаларда сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ҳам бу ишни давом эттириш керак.

Биз бориб кўрган хўжаликларда дала меҳнаткашларининг турмуши ва маишатини яхшилаш учун ҳозирнинг ўзидаёқ яхши шарт-шароитлар вужудга келтирилганлигини кўздан кечирдик. Биз комплекс тарзда қурилган посёлкаларни, улардаги шинам уйларни, маданий-маиший хизмат қиладиган объектларни кўрдик. Сирдарё областидаги «Ленинград» колхози, Сурхондарё область Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг янги посёлкаси яхши планлаштириб қурилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Андижон, Сурхондарё ва Фарғона области хўжаликларида дала шийпонлари яхши жиҳозланганлиги, уларда мавсумий болалар боғчалари ва ясилар ишлаб турганлиги бизга жуда маъқул бўлди. Колхозчилар ва совхоз ходимлари учун шифохоналар, дам олиш зоналари вужудга келтирилган.

Сув хўжалиги ташкилотлари янги ерларни ўзлаштириш ва эскидан ҳайдаб келинган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида кўп иш қилмоқдалар. Масалан, Андижон областида адирларда кўп ерларга чигит экилди. Бу ерлардан мўл пахта ҳосили олинмоқда.

Майда картаналарни йириклаштириш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу чора механизациядан кенгроқ фойдаланиш имконини беради.

Биз партиянинг Мирзачўл қиёфасини ўзгартириш планлари қаҳрамонона амалга оширилаётганлигининг ажойиб самараларини кўриб, билдик. Бу ўлкадаги ерларни ўзлаштириш тез суръатлар билан давом эттирилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Қишлоқ меҳнаткашлари социалистик мажбуриятларни бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Аммо ҳозирги долзарб кунларда ҳамма жойларда ҳам ҳосил тўплаш учун мавжуд имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланилмоқда, деб бўлмайди.

Айрим хўжаликларда ғўза қатор оралари ишлаш суръатлари пасайтириб юборилди, ғўзани парвариш қилиш билан суғориш бир-бири билан боғлаб олиб борилмаяпти. Сирдарё области Ильич районидаги «Правда» совхозида, Фарғона область Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхозида, шунингдек бошқа бир қанча хўжаликларда бундай ҳоллар рўй бермоқда.

Узбекистон пахтакорлари бу йил ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда териб олишга қарор берганлиги. Бунинг учун дефолиацияни ўз вақтида ва уюшқоқлик билан ўтказиш, терим техникасини тахт қилиб қўйиш, терим-транспорт комплексларининг ишини пухта ташкил этиш зарур.

Бизнинг бригадамиз Узбекистон қишлоқ хўжалигининг бошқа етакчи тармоғи — чорвачилик билан ҳам танишиб чиқди. Биз концентрациялаш ва ихтисослаштириш соҳасида, бўрдоқига боқувчи йирик бирлашмаларни, бузоқ боқиб ўстирувчи хўжаликлараро комплексларни вужудга келтириш соҳасида кўп иш қилинаётганлигини кўрдик.

Узбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд ва Тошкент областлари, 14 район ва 32 хўжалик 1979—1980 йилларнинг қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра мусобақа ғолиблари деб топилганлиги ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганлиги бизни ғоят қувонтирди.

Сабзавотчилар, боғдорлар ва узумчиларнинг иш тажрибаси билан танишиб чиқиш бизда яхши таассурот қолдирди.

Узбекистон республикаси колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида олинган социалистик мажбуриятларни ва умуман беш йилликнинг муваффақиятли бажариш учун ҳамма чораларни кўрдилар, КПССнинг XXVI съездини, Узбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб оладилар, меҳнатдаги янги катта муваффақиятлари билан Ватанимизни хушнуд қиладилар. Бунга ишончимиз комил.

МЎЛ ҲОСИЛИМИЗ — ВАТАНГА

К. САХАТМУРОДОВ
Туркманистон ССР қишлоқ хўжалиги министри

Пахтакор республикалар қишлоқ меҳнатчиларининг яхши анъана бўлиб қолган социалистик мусобақаси йил сайин мустаҳкамланиб, ўсиб бормоқда. Бу мусобақа халқларимиз ўртасидаги чинакам қардошликнинг қудратли кучига айланди.

Шу нарса диққатга сазоворки, пахтакор республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари бу йил ўз ишини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган умумхалқ социалистик мусобақаси бутун мамлакатда кенг қулоч ёзган кунларда ўтказмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги доклади туфайли сиёсий активлик ва меҳнат-ғайрати жўш урган ҳозирги вазият бу мусобақага алоҳида аҳамият бағишламоқда.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида жуда катта муваффақиятларга эришаётган қардош Узбекистон меҳнаткашлари мусобақадошларнинг олдинги сафида бораётганлиги бизга учун ёқимлидир. Республика халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1980 йил биринчи ярмида бажарилишининг матбуотда эълон қилинган якунлари ана шундан яққол далолат бериб турибди.

Биз Узбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд ва Тошкент областлари, 14 район ва 32 колхоз, совхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг коллективлари 1979—1980 йилларнинг қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилганлиги ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланганликлари тўғрисидаги қувончли хабарни зўр мамнуният билан қабул қилдик.

Туркманистон ўзаро текшириш бригадаси Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё областларининг колхоз ва совхозлари далаларида ҳамда фермаларида бўлди. Қардош Узбекистон пахтакорлари ва ғаллакорлари, боғбонлари ва соҳибқорлари, сабзаватчилари ва чорвадорлари, қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашда чинакам меҳнат қаҳрамонлиги кўрсатаётганликларига биз ҳамма жойда ишонч ҳосил қилдик.

Узбек дўстлар янги ерларни ўзлаштириш, қўриқ массивларни қишлоқ хўжалик оборотига киритишдан иборат мураккаб вазифаларни ҳал этишга чуқур ўйлаб ва моҳирона, ижодий ёндашиб ҳал этмоқдалар. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир.

Биз меҳмондўст Узбекистон диёрига биринчи марта келаётганимиз йўқ. Ҳар сафар келганимизда қишлоқ маданиятини ўстиришда ва колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларининг фаровонлигини оширишда катта ижобий ўзгаришлар бўлаётганини кўриб турибмиз.

Узбекистон пахтакорлари чигит экишни қисқа муддатларда тугаллаб, ғўза парваришини, бегона ўтлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни моҳирлик билан ташкил қилдилар. Кўпчилик майдонлардаги ғўзалар яхши ривожланмоқда. Ғўза тупларининг қалинлиги ўтган йилдагидан яхши. 8 август куни ҳамма жойда ғўза тупларида 6—7 тадан бўлиқ кўсак бор эди. Ғўзалар ҳосил тўплашни зўр бериб давом эттирмоқда.

Хоразм областидаги, Бухоро, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг кўпгина районларидаги хўжаликларда ғўзаларнинг ҳолати бизда айниқса яхши таассурот қолдирди.

Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё, Элликқалъа районларида, Хоразм областининг Янгариқ, Урганч ва Хонқа районларида, Бухоро областининг Ромитан, Шофирқон районларида, Қашқадарё областининг Шаҳрисабз ва Қарши районларида ғўзалар айниқса яхши ҳосил тўпламоқда.

Республиканинг барча районларида Бухоро область Ромитан райони пахтакорларининг беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ҳамда КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги ташаббуси астойдил қўллаб-қувватланди. Съездолди меҳнат вахтасида туриб, ҳар гектар ердан 50—60 центнердан ва бундан ҳам кўпроқ «оқ олтин» етиштиришга, шунингдек кўпгина бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашга қарор қилган барча хўжаликлар, бригадалар, бўлимларни санаб ўтиш қийин, албатта.

Туркманистон ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Узбекистон қишлоқ меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорини зўр активлик ва ишчанлик билан муҳокама қилганлигининг шоҳиди бўлдилар.

Биз чорвачилик фермаларида, емхашак тайёрлаш бригадаларида, ремонт устахоналарида бўлиб, ҳамма жойда социалистик мажбуриятларни бажариш учун кураш қизғин давом этаётганини кўрдик. Республиканинг ҳамма районларида зўр шавқ-завқ билан қўллаб-қувватланган Тошкент области чорвадорларининг ташаббусини мамнуният билан қайд қиламиз.

Кооперация ва агросаноат интеграцияси асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш программасини амалга ошириш юзасидан изчил ва собитқадамлик билан иш олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Республиканинг саноат ва қурилиш ташкилотлари ана шу программани ҳал этишда қишлоққа катта ёрдам бермоқдалар. Биз Қарши шаҳрида «Ўроқ ва Болға» байрамида қатнашиб, ғоят катта таассурот олдик.

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино юртидаги янги посёлка бизда зўр таассурот қолдирди. Улуғ алломанинг минг йиллиги яқин вақт ичида кенг нишонланади.

Биз эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари парваришида юз бераётган баъзи камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдик.

Бизнинг фикримизча, айрим хўжаликларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш барвақт тўхтатиб қўйилмоқда, культивация паст сифатли ўтказилмоқда, ғўзаларни қўллатиб суғоришга йўл қўйилмоқда, бир қанча жойларда эса ҳатто сув билан яхши таъминлангани ҳолда ғўзаларни чанқатиб қўйиш ҳоллари учрайди.

Суғоришни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш ҳозирги вақтда пахтакорларнинг асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун сувдан оқилона фойдаланиш устидан, сувчилар ишининг сифати устидан назоратни қучайтириш зарур. Чеканкани қулай муддатларда ўтказиш мўл ҳосил тўплашга қаратилган муҳим агрономия усули ҳисобланади. Афсуски, биз бўлган бир қанча хўжалик ва районларда чеканка кечиктирилаётганлиги, уни ўтказиш сифати бузилаётганлиги сезилмоқда.

Ғўза парваришига эътибор сусайтирилганлиги оқибатида Қашқадарё ва Бухоро областларининг, Қорақалпоғистон АССРнинг айрим хўжаликларида бир қанча участкаларни ўт босганлиги ва далаларда қишлоқ хўжалик зараркунандалари пайдо бўлганлиги кўзга ташланди.

Биз пахта йиғим-терими мавсумига техника пухта тайёрланганлигини акс эттирувчи кўпгина мисолларни кўрдик, бироқ ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида пахта терш машиналарини тайёрлаш плани 50 процентдан ҳам кам бажарилган. Қашқадарё ва Хоразм областларидаги хўжаликлар ҳам бу соҳада орқада қолмоқдалар.

Жойларда бизнинг мулоҳазаларимизга зўр эътибор билан қараши, Қайд қилинган камчиликларнинг кўпчилиги текшириш жараёнидаёқ бартараф этилди, бошқа камчиликлар юзасидан эса тегишли чоралар кўрилмоқда.

Совет Туркманистони меҳнаткашлари ҳам КПСС XXVI съездини қардош республикалар билан бир сафда туриб кутиб олмоқдалар. Саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан беш йиллик топшириқлари муваффақиятли равишда бажарилмоқда. Йирик ишлаб чиқариш ниншоотлари ҳамда маданий-маиший ва социал объектлар ишга туширилмоқда.

Республикада партиянинг аграр программаси муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Давлатга гўшт, сут, тухум, жун сотиш юзасидан шу йилнинг биринчи ярми планлари, шунингдек қоракўл тери ва пилла топшириш йиллик планлари муваффақиятли бажарилди.

Бу йил республика пахтакорлари камида 1 миллион 210 минг тонна «оқ олтин», шунингдек деҳқончилик ва чорвачиликнинг кўпгина бошқа маҳсулотларини етиштириб, давлатга сотиш мажбуриятини олганлар. Республикамиз далаларида ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашда чинакам меҳнат қаҳрамонлиги кўрсатаётганлиги, бизга ишонч ҳосил қилдик.

Туркманистон ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Узбекистон қишлоқ

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ҚИРҒИЗИСТОН ССР. «Нарингидроэнергострой» бошқармаси коллективи Оқ-бўра дарёсида барпо этаётган янги сув ҳавзаси Қирғизистон ва Ўзбекистон пахта далаларини обиҳаёт билан таъминлаш имконини беради. Қурувчилар ишни жадал суръатларда олиб боришляпти. Суратда: монтажчи-қурувчилар янги сув омбори тўғони қурилишида.

* * *

ЧЕЛЯБИНСКдан сал нарироқда, Коелга қишлоғида ажойиб табиий бойлик кони бор. Бу ерда мармар қазиб олинади. Кон маҳсулотлари Иттифоқимиздагина эмас, жаҳонда ҳам машҳур. Уни Венгрия, Польша, ГФР, Италия ва Ливан сингари мамлакатларга жўнатилади. Суратда: мармар конида.

(ТАСС фотохроникаси).

5 миллион 850 минг тонна «оқ олтин» учун

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ДАМЛАР

Толимаржон Қарши чўли бағрида ташкил этилган янги районлардан бири бўлиб, асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган. Еттита совхоздан олтитасида пахта етиштирилади, биттаси эса полизчилик-боғдорчилик совхозидир. Ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи босқичи — 1980 йилда пахтакор хўжаликларимиз 15 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга 45 минг тонна чўл дурдонаси етказиб берадилар. Шундан 12 минг тоннаси енгил саноат учун энг зарур бўлган қимматбаҳо ингичка толали пахтадир.

Бошқа тармоқлар бўйича қабул қилинган мажбуриятларимиз ҳам юксак. Масалан, «Ширинобод» полизчилик-боғдорчилик совхози коллективи шу йилнинг ўзидагина 1.000 гектар майдонда полиз экинларидан юқори ҳосил етиштирди, давлатга 15 минг тонна қовун, тарвуз армуғон этилади. Шу кунларда пишган қовун, тарвузлар пешма-пеш йиғиштирилиб, давлат тайёрлов ташкилотларига топширилмоқда. Келажакда янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига полиз экинлари майдони ҳозирдагига нисбатан икки баравар кенгайтирилади, ҳосилдорлик оширилади.

«Ширинобод» совхози коллективи чўл шароитида боғдорчилик, хусусан, узумчиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор беряпти. Қисқа вақтда 1.000 гектар ерда токзор бунёдга келтирилди ва дастлабки ҳосил олинда бошланди. Совхоз ўзининг консерва заводи, майиз қуритиш цехларига эга бўлади.

Чорвачилик ва ғаллачилик ҳам районимиз экономикасида асосий ўрин тутади. Пахта-беда алмашлаб экишни кенг жорий этиш йўли билан чорва моллар озуқа базаси мустаҳкамланяпти, чўлдан янги ўзлаштирилаётган ерларга маккажўхори, арпа, буғдой ва бошқа дон-дуккакли экинлар экилиб, катта хирмон кўтарияпти. Ғаллакорларимиз бу йил беш минг тонна дон етиштириб, шундан икки минг тоннасини давлатга топширадилар. Бу топшириқ ортиғи билан бажарилади. Чорвадорларимиз сут, гўшт, тухум тайёрлашни ҳар йили 20—25 процент кўпайтириб боришга азму қарор қилганлар. Бу борадаги планлар, мажбуриятлар ҳам муваффақиятли адо этиляпти.

Районимиз меҳнаткашлари олдида ғоят муҳим вазифа турибди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу йил она-Ватанга 45 минг тонна чўл дурдонаси етказиб беришимиз керак. Пахтакорларимизнинг меҳнати, партия, совет ташкилотларининг фаолиятига ана шу мажбуриятимизнинг нечоғли тез ва соз бажарилишига қараб баҳо берилади. Буни яхши тушунган пахтакорларимиз мўл ҳосил иштиёқида кунларни тунларга улаб меҳнат қилмоқдалар, коммунистларимиз, маҳаллий советларнинг депутатлари умумхалқ қурашида карвонбошилик ролини ўйнамоқдалар, бутун куч, техника воситалари, ички резервларни шу мақсад йўлига сафарбар этмоқдалар.

Бугун пахта далаларида қизғин меҳнат давом этмоқда. Умумий майдоннинг 80 процентида юксак мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди, 13 процент майдондаги ғўзаларнинг ҳосилдорлиги дуруст. Лекин қолган майдондаги ғўзаларнинг ҳосил ниҳоналари тўпланиш кўнгилдагидек эмас. Ҳосил ғўза тупидан олинади. Шундай экан, август ойининг қолган кунларида зардорларча меҳнат қилиб, ҳамма майдонлардаги ғўзаларда юксак мажбуриятимизни қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштирилиши керак.

Ўтказилган текширишларнинг якунлари, қардош туркманистонлик мусобақадошларимизнинг фикрларича, районимиз бўйича ҳар туп ғўзада ўртача 8—10 та тўқ қўсак етиштирилди. «Коммунист», «ВЛКСМ XVIII съезди», «Самарқанд», Салвадор Альенде номли совхозларимизда олди қўсаклар пишди. Бошқа хўжаликларимизда ҳам парвариш соат сайин кучайтирилиб, ҳосилга ҳосил қўшиляпти, қўсакларнинг тезроқ тўлишишини таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга ошириляпти.

Бунда биз биринчи ўринда культивацияни назарда тутяпмиз. Ҳозир ғўзаларнинг шохлари ўсиб, бир-бирига киришиб кетди. Базиятни ҳисобга олиб, ҳамма чопиқ тракторларига муҳофаза тўсиқлари ўрнатилди, механизаторларимиз тракторлар тезлигини бироз пасайтирдилар. Лекин сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Суғориш билан культивация бир-бирига боғлаб ўтказиляпти, қатор оралари нормал намликда ва майин сақланаётгани учун ўсимликнинг ҳосил тўплаши тобора тезлашяпти. Шу кунларда пахтазорларда 2.000 дан ортиқ сувчи ғайрат билан меҳнат қиляпти.

Маълумки, чеканка вақтида ўтказилса ҳосилдорлик гектар бошига 4—5 центнер кўтарилади, қўсакларнинг пишиб очилиши тезлашади. 160 та чеканка агрегатини унумли ишлатиб, бу муҳим агротехника тадбирини тугаллаганимизга ярим ойдан ошди. Лекин айрим майдонларда, парвариш кучайтирилиши сабабли бўлса керак, бачки шохлар пайдо бўлди ва уларни ҳам тез фурсатда чилпишдан ўтказдик. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати А. Носирова, Х. Даминов, Т. Очилова, М. Саидолимова, Р. Хушниёзов, Р. Қултоев, Б. Норов, Қ. Ҳимматов, А. Давлатов бошлиқ бригадалар 50 центнер учун курашяптилар. Умуман бу йил районимиз бўйича 30 дан ортиқ бригада чўлқуварлари ҳосилдорликда 50 центнерлик маррани эгаллашга қарор қилганлар.

Август ойининг қолган кунларида нималар қилиш керак? Биз асосий эътиборни шунга қаратяпмиз. Ҳамма майдонларда яна икки марта, нисбатан камҳосилли ҳисобланган майдонларда табақалаб уч марта комплекс парвариш ўтказамиз. Бегона ўтларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаймиз. Пайкаллар бир текис намлатиляпти, суғориш кеча-кундуз ўтказиляпти. Ҳ. Ҳаққулов, М. Турдиалиев, Б. Холдоров, Т. Мирзаев, Ж. Ҳимматов, М. Эгамбердиев, Э. Кўчимов, Э. Равшанов каби сувчиларимизнинг ҳар бири кунига бир ярим гектаргача майдондаги ғўзаларни агротехника қоидалари асосида обиҳаётга қондирмоқдалар, уларнинг иш тажрибаси семинарлар, кўргазмалар ўтказиш йўли билан ҳамманинг мулкига айлантириляпти.

Ҳашаротларга қарши кураш бутун чоралар билан авж олдириляпти. Химизаторларимиз пайкалларни бирма-бир кўздан кечириб, ҳашаротлар пайдо бўлган жойларда уни дарҳол йўқотишга қаратилган чоралар қўллаляпти. Барча хўжаликларда соқчилик постлари ташкил қилинган.

Бу йил ялпи ҳосилнинг 98 процентини «зангори кема»ларда териш мажбуриятини олганмиз. Мавжуд терим машиналарининг ҳаммаси сифатли ремонтдан чиқарилиб, линейкаларга чизиб қўйилди. Механик-ҳайдовчилар йиғилиши ўтказилиб, мажбуриятлар қабул қилинди. Машиналар билан тележкалар ишини бир-бирига уйғунлаштириш чоралари кўрилди. Шунинг кувончлиги, механик-ҳайдовчиларимизнинг ҳаммаси ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Н. Абдуллаев, Э. Набиев, Б. Норов, С. Қуллиқораев, А. Носирова каби машъал механизаторларимиз бункерлардан 450—500 тонна дурдона тўкишга сўз бердилар. Районимиз бўйича ҳар бир терим машинасининг мавсумдаги иш унуми бултургига нисбатан ўртача 25 процент ортиқ бўлади. Ҳозир дефолиация ўтказишга пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Халқ депутатлари район Совети ижроия комитети чўлқувар пахтакорларнинг унумли ишлашлари учун етарли маданий-маиший шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор бераётир. Ҳамма жойда иссиқ овқат ташкил қилинган, дала меҳнатчилари мевалар, қовун-тарвуз билан тўла таъминланган. Болалик оналар ҳақида, айниқса, ғамхўрлик кучайтириляпти. Барча дала шийпонлари қайта жиҳозланиб, пахта йиғим-терими мавсумига мослаштириляпти.

Биз пахта йиғим-теримини жуда қисқа фурсатда ўтказамиз, Тошкент области ва Ромитан райони меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуси асосида амалий режалар белгилаб чиқдик. Терим фаслида ҳамма зардорларча меҳнат қилади, кунлик график камида бир ярим икки ҳисса қилиб бажарилади. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, иш унумдорлигини кескин кўтарамиз, теримда коммунистлар, маҳаллий советлар депутатларининг авангардлик ролини таъминлаймиз. Давлат тайёрлов пунктига терим бошланган дастлабки кунларда йиллик планнинг 3—4 проценти миқдорида, кейинчалик 8—10 процентга етказиб пахта жўнатиб, йиллик пахта тайёрлаш плани ва социалистик мажбуриятимизни областимизда биринчилар қаторида бажарамиз. Бу КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига муносиб туҳфамиз бўлади.

Б. ИМОМОВ,
халқ депутатлари Толимаржон район Совети ижроия комитетининг раиси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ПРАГА. Совет Иттифоқи билан Чехословакия олимлари ва инженерлари келгуси беш йиллик мобайнида 300 дан кўпроқ муҳим илмий-техникавий мавзуларни ва проблемаларни ҳал этиш устида биргаликда иш олиб борадилар.

1981—1985 йилларда умумий куч-ғайрат сарфлаб 140 та янги машина ва турли хил ускуна яратиш, 95 та илғор технология ишлаб чиқиш, ҳар икки мамлакат экономикасининг амалда барча энг муҳим тармоқларида тадқиқотларнинг бошқа конкрет натижаларига эришиш кўзда тутилади.

Буғ ва газ турбиналарининг, металл ишлайдиган автомат линияларнинг, газни суюлтирадиган қурилмаларнинг янги илғор типлари биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ишлаб чиқилади. Катта амалий аҳамиятга молик бўлган 40 та проблема юзасидан СССР ва ЧССР химик олимларининг ҳамкорлиги, 24 та проблема юзасидан электроника ва электротехника соҳасидаги мутахассисларнинг ҳамкорлиги кучайтириб юборилади. Медиклар ва фармацевтлар 30 га яқин темани биргаликда ишлаб чиқадилар.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР ОЛИНМОҚДА

СОФИЯ. Корхоналар, институтлар, аграр-саноат комплексларининг коллективлари БКПнинг келгуси йил баҳорда ўтказиладиган XII съезди шарафига зиммаларига янги оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Болгар халқи еттинчи беш йиллиқнинг сўнгги йили топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун съездолди даврида бутун куч-ғайратни сафарбар этиш тўғрисидаги партия даъватини қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Болгариядаги энг йирик химия комбинатларидан бири «Свилоза» комбинати коллективи ўз беш йиллик планини барча кўрсаткичлар бўйича Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажаришга қарор қилди. Мамлакат комбинат коллективидан қўшимча равишда 2.000 тонна целлюлоза, 2.100 тонна сунъий тола, 400 тонна вискоз шойи ва бошқа маҳсулот олади.

ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ЧИҚАРИЛМОҚДА

ВАРШАВА. Польша меҳнаткашларининг йиғилишларида йилнинг биринчи ярмидаги иш якунлари чиқарилмоқда. Ички резервлардан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш, ҳар бир иш жойида меҳнат самарадорлигини ошириш кераклиги ҳақида амалий ва ошкора гаплашиб олинмоқда.

Кўпгина коллективлар ПБИП VIII съезднинг қарорларига амалий иш билан жавоб қайтариб, илғари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қайта кўриб чиқмоқдалар. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ҳом ашё сарфлашни камайтириш юзасидан ўз зиммаларига мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Мамлакатда «Материаллар ва электр энергияни тежаш, иккиламчи ҳом ашёдан тўлиқ фойдаланиш учун» умумдавлат мусобақаси кенг авж олдириб юборилди.

Ҳозирги вақтда халқ Польшасининг ҳамма томонларидан келаётган хабарлар тежамкорлик ва ресурслардан рационал фойдаланиш ҳаракати тобора кучайиб бораётганлигидан далолат бермоқда. (ТАСС).

ЮКСАК БАҲО

СОФИЯ, 10 август. (ТАСС). Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев билан БКП Марказий Комитети Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгаши Раиси Т. Живков ўртасида Қримда ўтказилган дўстона учрашув тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқди. БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси тўғрисидаги ахборотда, жумладан бундай дейилган: БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси яқинда ўтказилган учрашувнинг ва музокаралар-нинг натижаларига жуда юксак баҳо беради. Аввалдагидек ҳозирги учрашув ва музокаралар ҳам БХР билан СССР ўртасидаги ҳар томонлама яқинлашув жараёнига янги кучли далда беради.

БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси, деб таъкидлаб ўтилади ахборотда, БХР билан СССР ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик ва ҳар томонлама яқинлашувни янада ривожлантиришга, социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва қудратини мустаҳкамлашга, Европада ва бутун жаҳонда кескинликни юмшатиш, тинчлик ва ҳамкорлик жараёнини чуқурлаштиришга қўшган янги буюк ҳиссалари учун Л. И. Брежнев ва Т. Живков ўртоқларга самимий миннатдорчилик изҳор қилади.

«Европа учун фойдали шартнома»

«ГФР билан СССР ўртасидаги Москва шартномаси имзоланган кунга 12 августда ўн йил тўлади. Бу шартнома Европадаги кескинликни юмшатиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Мазкур шартнома ва ГФР ҳукуматининг шу шартнома билан боғлиқ бўлган шарқий сиёсати мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги мустақиллигини ва халқаро обрў-эътиборини оширди», — деди Германия Социал-демократик партиясининг раиси В. Брандт ДПА агентлигининг мухбири билан суҳбатда.

Шарқий Европа давлатлари билан муносабатларни нормаллаштириш ва ҳамкорлик қилиш сиёсатида Москва Шартномаси асосий роль ўйнайди, бу шартнома Европани нисбатан стабиллик қитъасига айлантиришга кўмаклашди, деб таъкидлади В. Брандт. Дунёдаги ҳозирги кескинлик шароитида ҳам мана шу ҳолат давом этиб келаётганлиги ғоят диққатга сазовордир. ГФР билан СССР ўртасидаги шартнома Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларига ўзларининг Шарқдаги қўшнилари билан ҳамкорликни ривожлантириш имкониятини очиб берди. Шундай қилиб, бу шартнома Европа қитъаси учун ғоят фойдали эканини кўрсатди.

ГСДП раиси ГФР билан СССР ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг аҳамиятини юксак баҳолади. Иқтисодий ҳамкорлик иккала томоннинг манфаатларига мос бўлиб тушади, деди у. Бундан ташқари ГФР билан СССР ўртасидаги ташқи иқтисодий алоқаларнинг узоқ муддатли характери муҳим сиёсий аҳамиятга моликдир. Шу тариқа иккала томон ҳамкорликни ривожлантира бориб, сиёсий вазиятдаги тебранишларга бош қўшмасликка аҳд қилганликларини намойиш этмоқдалар.

(ТАСС).

Хабарлар оқимидан

КАМПУЧИЯГА ҚАРШИ ИҒВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ. Таиланд маъмурлари Кампучия Халқ Республикасининг суверенитети ва территориал бутунлигини бузишни бас қилмаяптилар, дейилади Кампучиянинг СПК ахборот агентлиги берган хабарда.

Чунончи, 4 август куни Таиланд ҳарбий-ҳаво кучларининг бешта самолёти Кампучиянинг Кратъэх ва Баттамбанг вилоятлари чегара районлари тепасида разведка мақсадларида учиб, КХР территорияси ичкарисига 5 километр масофага бостириб кирди. Келгуси кун Таиланднинг «Л-19» типидаги самолётлари Поусат вилояти тепасида разведка мақсадида бир неча бор парвоз қилди. Уша куннинг ўзида Таиланд қўшинлари ўз территориясидан Кампучиянинг чегара вилоятларидаги бир қанча секторларни тўп ва минометлардан ўққа тутдилар, дейилади СПК агентлигининг хабарида.

ВЕНЕСУЭЛА КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИДА

КАРАКАС. Бу ерда Венесуэла Компартиясининг VI съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Социалистик ҳамдўстлик давлатлари ва Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатлар қардош партияларининг ВКП Марказий Комитети таклифига биноан бу ерга келган делегациялари Венесуэла коммунистлари анжуманининг қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзладилар.

Съездда КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников сўзга чиқди. Биз, деди у, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг фахрий топшириғини бажариб — мамлакатингиз коммунистларига, барча меҳнаткашларига жанговар салом топшириб, пролетар бирдамлик изҳор этишга, Венесуэла Компартиясига янгиданянги муваффақиятлар, съездингизнинг самарали ишлашини тилаб чин кўнгилдан истаклар билдираётганимиздан хурсандмиз.

Ҳозир бўлган кишиларнинг гулдурос қарсаклари остида совет делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг ВКП съездига табрикномасини ўқиб эшиттирди ва унинг қатнашчиларига КПСС Марказий Комитетининг эсдалик совғаси — совет рассоми Е. М. Соколовнинг «Қизил майдон» картинасини тортиқ қилди.

ҚАТЪИЯН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида АДР халқ қуролли кучлари бош штаби, штаблардаги бошқармалар ва қисмлар партия активларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари АХДП Марказий Комитети 3-пленуми қарорларини қатъиян қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

МУНОСИБ ЗАРБА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао Хитойнинг Ҳиндистон чегаралари қандайдир «белгиланмаган» деб кўрсатиш йўлида қилган уринишларига муносиб зарба берди. У парламентнинг қуйи палатасида сўзга чиқиб, Хитойнинг Ҳиндистонга нисбатан территория даъволарини оқлайдиган ҳеч қандай «тарихий ҳужжат» мутлақо йўқ, деб айтди. Министр Пекин раҳбарларининг Хитой билан Ҳиндистон ўртасидаги чегарани белгилаб берган 1914 йилги Симла шартномасини шубҳа остида қолдиришга зўр бериб интилаётганини рад қилди.

(ТАСС, 11 август).



ҚАПИТАЛ ҲУКМРОН МАМЛАКАТЛАРДА

Сальвадорнинг ҳукмрон режими халқ ғалаёнларини бостириш мақсадида касаба союз раҳбарларини оммавий равишда қамоққа олмоқда, ишчи районларида тинтувлар ўтказмоқда. Ҳарбийлар терроридан ҳар куни ўнлаб киши қурбон бўлмоқда. Суратда: Сан-Сальвадор кўчаларида қамоққа олиш пайти.

АП—ТАСС телефотоси.

ЯНА БИР ХУНУК ВОҚЕА...

ВАШИНГТОН, 11 август. (ТАСС). Америка матбуоти АҚШнинг ҳозирги президенти Картер оиласи билан алоқадор яна бир воқеани хабар қилди. Калифорния штатида чиқадиган «Пенинсьюла таймс трибюн» газетасининг ёзишича, АҚШ президентининг синглиси Рут Стэллтон Миср, Иордания, Саудия Арабистони ва Уммонга қилган сафари учун Американинг бир бизнесменидан маблағ олган. Шу сафар вақтида у мазкур мамлакатларнинг савдо-саноат доиралари вакиллари билан, сиёсий ва диний арбоблари билан, шу жумладан Миср президенти Садат билан учрашган.

ЮПИ агентлигининг хабар қилишича, Рут Стэллтоннинг сафар чиқимлари «бир қисмини» Калифорниянинг Пало-Альто шаҳрилик экспортер Бамие деган кимса тўлаганини Оқ уйнинг матбуот секретари Ж. Пауэлл тасдиқлади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КОБУЛ. Бахтар агентлигининг Саманган вилояти Айбак шаҳридан хабар қилишича, Хулма уездида безорилик қилиб келган газандалар ва қўпорувчилар группаси қуролли куч, лар, хавфсизлик кучларининг биргалиндаги ҳаракати натижасида ва аҳолининг мадади билан қўлга туширилди. Бу группа аъзолари маҳаллий аҳолини талаш ва ўлдириш билан шуғулланиб келган эдилар. Ғазандаларни қўлга тушириш вақтида улардан қурол-яроғ, ўқ-дори топилди.

НЬЮ-ЙОРК. Мичиган штатининг маъмурлари Америка коммунистларининг ноябрь ойида бўладиган президент сайловида ўз номзодини кўрсатиш кампаниясига қонунга хилоф равишда тўсқинлик қилмоқда. Улар президент лавозимига номзод қилиб кўрсатилган АҚШ Компартиясининг Бош секретари Гэс Холл билан мамлакат вице-президенти лавозимига номзод қилиб кўрсатилган Компартия Марказий Комитетининг аъзоси А. Дэвиси овозга қўйиш учун рўйхатга киритишдан бош тортдилар.

ТОКИО. Японияннинг бундан 35 йил муқаддам атом фожиасини бошидан кечирган Нагасаки шаҳрида урушга қарши оммавий ҳаракатлар давом этмоқда. Бугун эрталаб Нагасаки аҳолисидан 4 минг киши шаҳар кўчаларида тинчлик юришн ўтказди. Намойишчиларнинг колонналари тинчлик ёдгорлик паркигача юриб бориб, атом портлашининг ўн мингдаб қурбонлари хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

(ТАСС, 11 август).

МАЛИ ЯНГИЛИКЛАРИ

РУС ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

Мали Республикасида ўрганилаётган чет тиллар орасида рус тили асосий тилга айланиб бормоқда. Лицейлардаги ўнлаб синф ва ўқув группалари, олий ўқув юртларидаги юзлаб студентлар мамлакат маориф министрлиги тасдиқлаган махсус программа бўйича Пушкин ва Горький тилини ўрганмоқдалар.

Африканинг бу мамлакатида ишлаётган рус тили бўйича совет ўқитувчилари группаси билан биргаликда уларнинг «Эколь нормаль суперьер (Педагогика институти)ни тамомлаган ва Москвада стажировкадан ўтган малилик ҳамкасблари ҳам меҳнат қилмоқдалар. Рус тили ўқитувчилари методик бирлашмаси — Мали маориф министрлигида энг яхшиларидан бири ҳисобланади. У ўқув планларини, программаларини ишлаб чиқади, дарсликлар ва брошюралар чиқаради.

Қарийб икки йилдан буён Бамакода рус тили курслари муваффақиятли ишламоқда. Ҳар йили уларни 80—100 киши: ишчилар, зиёлилар вакиллари, ҳарбий хизматчилар битириб чиқмоқда. Катта кутубхона, ўқув зали, шинам аудиторияслар, лингафон кабинети, кинозал курслар тингловчилари хизматидадир.

ДЎСТЛИК ТУРНИРИ

Бамакода икки ой давом этган ва Мали—Совет дўстлиги номи билан юритилувчи анъанавий шахмат турнири ниҳоясига етди. Унда малиликлар ва бу мамлакатда ишлаётган совет мутахассислари — ўқитувчилар, врачлар, геологлар орасидаги шахмат ҳаваскорлари қатнашдилар. «Эссор» газетаси таъкидлаганидек, бу мусобақаларнинг бош якуни— мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашдан иборат. Малида спортнинг бу тури ривожланиш тарихи ҳозирча қисқача. Бир неча йил муқаддам А. Траоре (ҳозир шахмат федерациясининг президенти) бошчилигидаги ишқибозлар группаси биринчи секцияни ташкил этдилар. Бамакода ишлаётган совет ўқитувчилари бу секция билан машғулот ўтказишга розилик билдирдилар. 1978 йилнинг ўзидаёқ Мали халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг аъзоси бўлди. Ўтган йили мамлакат терма командаси илк бор Умумафрика шахмат Олимпиадасида қатнашди.

В. ЗУБКОВ,
(АПН).

ЎЗАРО НИФОҚ КУЧАЙМОҚДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Президентнинг укаси қилган найрангбозликлар шармандаларча фош бўлгани натижасида, шунингдек Ж. Картернинг ўз обрўси тобора пасайиб бораётганлиги муносабати билан демократлар орасида чиққан чуқур нифоқ конгрессдаги ўринларни ва сайлаб қўйиладиган бошқа лавозимларни эгаллашда республикачилар билан давом этаётган курашда шу партиянинг мавқеига катта путур етказмоқда.

Маҳаллий обзорчиларнинг фикриче, партиянинг 11 август куни Нью-Йоркда очиладиган съезди ҳам партиянинг бирлигига кўмак бера олмайди. Аҳвол тамомила бошқача, Эй-Би-Си телекомпаниясининг хабар қилишича, бўлажак съезд делегатлари ўртасида ўзи ўтказган савол-жавоб натижасида уларнинг 41 проценти партиянинг «очиқ» анжуманини ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватламоқда. Бундай қилиш съезд делегатларини Картер ёки Кеннеди учун овоз бериш мажбуриятларидан ҳалос қилган ва республикачи Рейган билан тенглаша оладиган бошқа бир сиёсий арбобнинг номзодини кўрсатиш имкониятини берган бўлур эди. Делегатларнинг 52 проценти «очиқ» съезд ўтказилишига қарши чиқди, 7 проценти аниқ бир фикрни айтмади.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, сенатор Кеннеди менинг тарафдларим ва «очиқ» съезд ўтказиш учун курашаётган комитет Картерни мағлубиятга учрата олишга «ишончим тобора кучайиб бормоқда», деди журналистлар билан суҳбатда.

Билли Картернинг можароли иши кун сайин янгидан-янги тафсилотлар билан қаппайиб бормоқда. Бу тафсилотлар пировард натижада Оқ уйнинг мавқеига тобора путур етказмоқда, унинг шу хусусда берааётган ва кўпинча жуда зиддиятли бўлган баёнотлари самимийлиги ва ҳаққонийлигини шубҳа остида қолдирмоқда. Чунончи, бу ерда АҚШ юстиция министри Б. Сивилеттининг баёноти эълон қилинди. У Билли Картер бир араб мамлакатидан каттагина пул олганлиги тўғрисидаги разведка маълумотлари менга апрель ойидаёқ маълум бўлган эди, деб тан олди. Бироқ, ЮПИ агентлигининг таъкидлаб ёзишича, Сивилетти бу маълумотларни ошкор қилмаган, чунки ундан «мана шу бенизоя қалтис» хабарни ҳатто ўз ёрдамчиларидан ҳам яширишни илтимос қилганлар. «Вашингтон стар» газетасининг ўқтиришича, юстиция министрлигидагилар Билли Картернинг араб мамлакатидан пул олганлиги маълум бўлган ҳамоно уни маъмуриятнинг олий доираларидаги бирон кимса огоҳлантириб қўйганига аминдирлар. Бундан ташқари «Вашингтон стар» газетаси бир араб мамлакатининг дипломатик вакили президент Картерга тортиқ қилиш учун Кўшма Штатларга зарҳал эгар келтирганлиги тўғрисидаги хабарни ҳам эълон қилди. Газета, номи аниқ кўрсатилмаган «Ҳукумат манбаи»нинг баъзи хабарларига кўра, президент Картер бир араб мамлакатидан олган 50 минг долларлик «сирли совға», эҳтимол, шу эгар бўлса керак, деб айтган гапини келтиради. Аммо, Оқ уй президентнинг бундай совғани олганини инкор қилмоқда.

БИЗ — СОВЕТ ХАЛҚИМИЗ

«СОВЕТСКАЯ РОССИЯ», «МОСКОВСКАЯ ПРАВДА», «ЛЕНИНГРАДСКАЯ ПРАВДА», «РАДЯНСЬКА УКРАЇНА», «ЗВЯЗДА», «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», «СОЦИАЛИСТИК КАЗАХСТАН», «КОММУНИСТИ», «КОММУНИСТ», «ТИЕСА», «МОЛДОВА СОЧИАЛИСТЭ», «ЦИНЯ», «СОВЕТТИК КИРГИЗСТАН», «ТОЧИКИСТОНИ СОВЕТИ», «СОВЕТАКАН АЙАСТАН», «СОВЕТ ТУРКМЕНИСТАНИ», «РАХВА ХЯЭЛЬ» ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА КПСС XXVI СЪЕЗДИГА ТАЙЁРГАРЛИК КУНЛАРИДА СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ЛЕНИНЧА ДЎСТЛИГИНИ, УНИНГ КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДАГИ ҲАЁТБАХШ КУЧИНИ МАДҲ ЭТУВЧИ КОЛЛЕКТИВ ҚИССА ЯРАТИШ ҲАҚИДА

Совет халқи айни кунларда жонажон ленинчи партиямиз XXVI съездига пухта тайёргарлик билан борамиз, — деган яқдил фикр билан яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган доклади барча коммунистлар ва партиясизларнинг ўзига хос ватанпарварлик ҳис-туйғуларини янада жўш урдириб юборди. Ана шундай бўлиши табиийдир. Чунки, Коммунистик партия ҳар қандай вазифани ҳам фақат халқ фаровонлигини кўзлаган ҳолда белгилаб, уни изчиллик билан амалга оширади. Халқимиз ҳам партия олға сурган вазифаларни ҳамиша ўзининг жонажон иши деб билиб, уни қалб қўри, юрак амри билан бажармоқда.

Ҳар бир меҳнат коллективи, район, шаҳар, область ва ўлка, ҳар бир республика ўнинчи беш йиллик поёнига етаётган шу кунларда КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш давомида қандай ишлар бажарилгани, партиявий-ташкилий, сиёсий, хўжалик, социал-маданий ишларда орттирилган қайси тажриба энг кўп миқдорда самара берганлигини чуқур таҳлил ҳал қилмоқдалар. Бу мукаммал таҳлил шуни, айниқса, яққол тасдиқламоқдаки, **партия камолга етказган СССР халқлари дўстлиги, мислсиз совет қардошлигимиз, ягона онла ҳис-туйғуси КПСС ленинча миллий сиёсатининг энг буюк ғалабаси, сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётимизнинг қудратли омили бўлиб қолди.**

Ватанимиз тарихига назар ташласак ленинча революцион анъаналар ҳамда янги ҳаёт учун биргаликда тўкилган қон ва тер совет халқининг интернационал дўстлигига негиз бўлиб қолганлигини яққол кўрамиз. Леонид Ильич Брежнев ўзининг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» китобларида ана шу революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари ривожини жуда ёрқин кўрсатиб берди. Бу анъаналар ҳозирги кунда меҳнат фронти, маънавий-маданият соҳаларида ҳам бойиб бормоқда.

Ватанимиз экрономикаси янги куч-қувватлари ягона халқ хўжалик комплексида тобора ошиб бормоқда. Барча қардош республикалар меҳнат коллективлари партия XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириб борар эканлар, «Самарадорлик ва сифат беш йиллигига — ишчи кафолати!» шиори остида социалистик мусобақани авж олдирган Ватанимиз пойтахти — Москва шаҳри меҳнаткашларининг иш тажрибасини кенг қўлламоқдалар. Ленинград шаҳри илғор коллективларининг ташаббуси билан Тюмень нефтчилари, Сибирь ва Узоқ Шарқ янги қурилишлари буюртмаларини муддатидан олдин бажариш учун комплекс мусобақа кенг қулоч ёзмоқда. Донбасс ва Кузбасс кончиларининг меҳнат қардошлиги янада мустаҳкамланди. Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Болтиқбўйи республикалари енгил ҳамда саноатнинг бошқа тармоқлари меҳнаткашлари «Минглар шартномаси» анъаналарини ижодий ривожлантириб бормоқдалар. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашда мусобақанинг бу усуллари айниқса муҳим роль ўйнамоқда. Кейинги йилларда мамлакат қишлоқ хўжалигида Ипатово ғаллакорлари, Ямполь давлагиқорлари, Украина ССР Киев области ҳамда Молдавия ва Эстония чорвадорларининг иш тажрибалари қатъий қарор топди.

Байкал-Амур магистрали, Саян-Шушен ҳамда мамлакат Шарқидаги бошқа саноат комплекслари, «Атоммаш» заводи, халқаро «Союз» газопроводи, Кавказ ва Ўрта Осиёдаги катта химия корхоналари қурилишлари, Ноқоратупроқ зоналарни ўзлаштириш буюк совет қардошлиги ҳаётбахш кучининг ёрқин тимсолларидан бири бўлиб қолди.

Юздан ортиқ миллатли совет халқи ҳамма жойда ва ҳамиша — меҳнатда ҳам, роҳатда ҳам ҳамдамдирлар. Бу хислат совет турмуш тарзининг ажойиб анъаналари ва белгиларидандир. Биз матбуот активлари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари ёрдами билан ана шулар ҳақида коллектив қисса яратишга қарор қилдик.

Биз сизларга — газетхонларга мурожаат қилиб **КПСС XXVI съездига тайёргарлик кўрилаётган кунларда ўз шахсий ҳаётингиз, шунингдек, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун кенг авж олган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига иштирокингиз мисолида Совет халқларининг ленинча интернационал дўстлиги ва бу дўстликнинг ҳаётбахш кучи тўғрисида ёзиб юборишингизни, ўзаро ишлаб чиқариш алоқалари, тажриба алмашиш, фан, маданият, социал ривожланиш ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни ўртоқлашишингизни, ўн биринчи беш йиллик тўғрисида таклиф ва истакларингиз қайд этилган хат-хабарлар йўллашингизни илтимос қиламиз.**

— Бизнинг мамлакатимизда, — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, — ҳар бир иттифоқдош республика ёрқин юлдуз бўлиб порлаб турибди. Айни бир вақтда ривожланган социализм шароитида барча совет миллатлари ва элатларига мансуб бўлган кишилар ягона социал бирлик — совет халқини ташкил этади.

Ҳаммамиз ҳам зўр ғурур билан «Биз — совет халқимиз!» деб айтамиз. Бутун ҳаётимиз давомида коллективчилик ва ўртоқлик, дўстлик ва ўзаро ёрдам муҳитини, маънавий соғломлик ва социалистик интернационализм муҳитини қарор топтириш учун курашамиз. Ўз хатларингизда, мақола ва хабарларингизда ана шулар тўғрисида ҳикоя қилишингизни илтимос қиламиз. Мактубларингизни мамлакатимиз иттифоқдош республикалари миллий тилларида чиқадиган газеталар редакциялари, шу жумладан «Совет Ўзбекистони» газета редакциясига йўллашингизни сўраймиз. Энг яхши деб топилган материалларингиз ана шу газеталарда босилади, сўнгра у «Биз — совет халқимиз!» сарлавҳали коллектив қиссанинг бир бўлаги бўлиб қолади.

НУКУСДА — ЯНГИ АЭРОВОКЗАЛ

Бинокорлар байрами Қорақалпоғистон пойтахтида ўзгача тантанавор рухда нишонланди. Бу ерда замонавий ҳаво кемаларини қабул қилишга мосланган янги аэровокзал комплексини фойдаланишга топширишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Аэровокзалнинг биринчи навбатининг ишга туширилиши муносабати билан Нукусда ТУ-154 тезучар ҳаво лайнери техник рейс билан келди. Самолётни тошкентлик учувчилар — СССР Граждан авиацияси министрлигининг инспектори, бошқарувчи учувчи В. Зубченко, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг инспектори, катта учувчи Г. Шевердяев, биринчи класс учувчиси В. Гаврилов, учувчи Н. Нуритдиновлар янги қўниш йўлкасига оҳиста қўндирдилар.

Бу ерда ўтказилган митингни Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раиси Е. Айтмуротов очди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, СССР граждан авиацияси министрининг ўринбосари Б. Грубий, Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси бошлиғи Г. Рафиқов ва бошқалар аэровокзал қурилиши бунёдкорларини бинокорлар кунида қилган ажойиб совғалари билан қизғин қутладилар, байрам билан табрикладилар.

Шундан кейин ТУ-154 самолётининг Орол денгизи устида намунали парвози намойиш қилинди. Илғор қурувчилар ўзларининг айём кунларида ана шундай первозда сайр қилишга муяссар бўлдилар. Сўнг Нукус—Тошкент бўйлаб биринчи расмий рейса пассажирлар таклиф қилинди. Таниқли пахтакор, Кегайли районидаги М. Жуманазаров номли совхоз механизатори, СССР Олий Совети депутати Ҳолиқназар Бекназаров биринчи йўловчи сифатида самолётга кўтарилди.

Янги аэровокзал комплекси авиаторлар учун Нукус, Тошкент, Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларга қилинадиган парвозни 1,5—2 бараварга қисқартириш имконини беради. Мамлакатимизнинг мазкур шаҳарларига август охиридан бошлаб ТУ-154 самолётлари уча бошлайди. Қурилиш ишлари эса давом эттирилмоқда. Қўниш йўлкаси узайтирилиб, ИЛ-62 самолётларини қабул қилиш учун ҳам шароит яратилади.

Мавжуд аэровокзал биноси ёнида замонавий иморат қад кўтаради. Шундан кейин соатига 600 йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин бўлади. Янги аэровокзал лойиҳасини Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий-тадқиқот лойиҳалаш институти ҳамда «Узгипроавтодор» институти мутахассислари яратганлар.

А. НОДИРОВ.



АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

РАССОМ ТУҲФАЛАРИ

Шу кунларда бутун дунё тараққийпарвар, халқлари буюк аллома олим, шоир ва мутафаккир Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Совет Иттифоқида, жумладан серқуёш Ўзбекистонда ҳам аллома юбилейига муносиб армуғонлар тайёрланмоқда. Унинг асарлари нашр этилаптн. Яқиндагина Ибн Синонинг улкан ҳайкалини яратиш ишлари ҳам ниҳоясига етди. Республикамиз мўйқалам усталари эса ўзларининг бўёқларида мутафаккирнинг ҳаётини тасвирлашди. Рассом А. Циглинцев Ибн Сино ҳаётига оид турнум ишлар яратди. Унда олимнинг ҳаёти ва ижоди тасвирланади. Биз Ибн Синога бағишланган ана шу лавҳалардан иккитасини эълон қилмоқдамиз.

ҚАРДОШЛАРИМИЗ ИЖОДИ

Валентина Николаева Ўзбекистонда яшаб, ижод этади. Унинг ижодида диёримизнинг меҳнатсевар кишиларини, пахта усталарини, қардошликни, инсонийликни улуғлаш, ер юзида тинчликни сақлаш асосий мавзу бўлиб хизмат қилади.

Қуйида сиз рус шоирасининг янги шеърларидан намуналар ўқийсиз.

ЙЎҚОТИНГ БОМБАНИ...

Валентина НИКОЛАЕВА

Йўқотинг бомбани планетадан
Ҳалок этманг қуёш ва ерни.
Болаларнинг келажаги-чун
Олдин олинг қирғин жангларинг,
Кичкинтойлар ўйнасин, кўйинг,
Кўрмасинлар ажал жангини.
Ўғирлаб кетмасин урушлар

Болаларнинг келажагини.
Йўқотинг бомбани планетадан
Йўқса қарғишимиз тутар дунёни,
Биз онамиз, тинчлик истаймиз
Фақат тинчлик — диллар армони
Йўқотинг бомбани планетадан
Болаларнинг келажаги-чун

ҲАЁТ НАШИДАСИ

Ҳаёт нашидаси — очиқ чеҳрада,
Яхши сўзда,
Ҳайрли ишда.
Оламда бор қувончни
Инсонга бахш этишда.
Ҳаёт нашидаси — қизариб пишган
Хушбўй ҳидли буғдой нонида.
Оппоқ танли рус қайинлари,
Тип-тиниқ,
Юлдузли юрт осмонида.
Нақадар соз—ширин ухласанг,

Сен кимгадир керак бўлсанг гар,
Истаган мақсадга эриша олсанг,
Гангитиб қўймаса агар ютуқлар.
Нақадар соз — агар одамлар
Ишонишса бири бирига.
Низоларни тинч ҳал этишса,
Завқ ила боқишса тонгнинг нурига.
Ҳаёт нашидаси — очиқ чеҳрада,
Яхши сўзда,
Ҳайрли ишда.
Оламда бор қувончни
Инсонга бахш этишда.

* * *

Мўъжизани кўрмоқчимисан!
Бахтни ҳис қилмоқни истайсанми ё!
Дўстлик диёрининг боғларини кезгил,
Қаршингда бариси бўлар муҳайё.
Шунда эртакдаги Хумо қуши ҳам,
Август қуёшида товланиб
Чайқалувчи кенг буғдойзорлар
Кўринади кўзингга ёниб,

Кўринади олтинранг сочлар
Шаршара сувининг учқунларидай.
Кўз ўнгингдан ўтар жимирлаб
Олам гўзаллиги бахт укпаридай.
Кўринади каҳрабо ноклар,
Хризантеманинг камалаги ҳам!
Қимирлама! Ҳис билан тингла
Қуёшнинг ҳаёлий қўшиғин бу дам.

* * *

Эртага нима бўларкин!
— Билолмайман мен.
Ҳозир эса — сен!
Фақат сен!
Фақат сенсан қалбим малаги!
Сен — баҳорнинг соф камалаги!
Сен — тонг шафағисан оқ!
Нафис олма гулидай оппоқ!
Сен — қуёшнинг илиқ нурисан!

Баҳор булутнинг шўх ёмғирисан!
Яхши ишларим-чун сенга минг қуллуқ,
Лекин яхши ишнинг чегараси йўқ!
Шу севгига таъзим қилинг, одамлар!
Олам яшнаб кетар у келган дамлар,
Шу севгидан бахт ҳам кулади,
Шундай эди, шундай ҳозир ҳам,
Яна шундай бўлиб қолади.

Файзи ШОҲИСМОИЛ таржималари.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

«Меҳнат» ҳамда «Спартак» кўнгилли спорт жамиятлари касаба союзлари Тошкент область Советига қарайди. Мазкур кўнгилли спорт жамиятларининг аъзоларидан тўрт нафари Москва Олимпиадасида юқори натижаларга эришиб, пойтахт области касаба союз аъзоларини, минглаб мухлисларни мамнун этди. Чунончи сув тўпи устаси, олий лига вакили — «Меҳнат» командасининг аъзоси Эркин Шагаев, қўш медаль совриндори чавандоз Юрий Ковшов, совет терма командасининг ғолиб бўлишига ўзининг улушини қўшган моҳир волейболчи Лариса Павлова, нишонни бехато уриш бўйича эътибор қозонган мерган Рустам Ямбулатовлар ишончни оқладилар.

— Олимпиадада ўзбекистонлик ўн тўрт нафар йигитқиз спортнинг тўққиз тури бўйича совет спорти шарафини ҳимоя қилди, — дейди касаба союзлари Тошкент область Совети секретари С. Мухаммаджонова олимпиадачилар билан бўлган учрашувда. — Спортчиларнинг халқаро анжуманида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айниқса, «Спартак» ва «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятлари аъзоларининг ғалабаси қувончимизга-қувонч қўшди. Олимпиада баҳсларида куч синашишга қодир спортчиларни тарбиялаган устозларига сидқидилдан ташаккур айтамиз. Чавандозимиз Юрийнинг отаси ҳам тренери Александр Ковшовни, ватерполчимиз Эркин Шегаевнинг мураббийси Сергей Ширягинни, волейболчи Лариса Павловани катта даврадаги баҳсга ҳозирлаган Ададий Израиловни ва ниҳоят қўш отар милтиқдан нишонга олиш сир-асрорларини ўргатган Рустам Ямбулатовнинг тренери Анатолий Пановни яна бир бор катта муваффақият билан муборакбод этамиз...

Учрашувда Олимпиада совриндорлари ва уларнинг тренерларига касаба союзлари Тошкент области Советининг дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди.

О. БОБОЖОНОВ.

СПОРТ

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

◆ ЧИМ ХОККЕЙ. Москва Олимпиадаси ўйинлари муносабати билан мамлакат чемпионатида танаффус бўлган эди. «Андижанка» командаси яна чемпионлик учун курашни бошлаб юборди. Вакилларимиз Горькийда трамвай-троллейбус бошқармаси командаси билан учрашди. Икки учрашувда 1:1 ва 0:2 ҳисоби қайд қилинди. Олимпиаданинг бронза медали совриндори А. Хам дарвозани икки маротаба нишонга олишга муваффақ бўлди. Ҳозир Олма-отанинг «Связист» коллективи йигирма ўйинидан 34 очко тўплаб, пешқадамлик қилмоқда. «Андижанка» ўнта ўйин ўтказиб, 19 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турибди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
УЗБЕКИСТОН САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА ҚАСБ ҚАСАЛЛИКЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ЛАБОРАТОРИЯЛАР БЎЙИЧА
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОММУНАЛ ГИГИЕНА БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

катта илмий ходимлар (медицина фанлари кандидатлари); сув ва тупроқ гигиенаси, санитария бактериологияси ва биопрепаратлар;

лабораторияларнинг кичик илмий ходимлари: сув ва тупроқ гигиенаси, турар жой ва микроиқлим гигиенаси, ҳаво атмосфераси гигиенаси;

МЕҲНАТ ГИГИЕНАСИ БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

мудирлар (медицина фанлари докторлари, катта илмий ходимлар): меҳнат гигиенаси ва физиологияси, шоэқин ва тебранишни ўрганиш, овқатланиш гигиенаси;

катта илмий ходимлар (медицина фанлари кандидатлари): химиявий воситалардан фойдаланишда саноат токсикологияси ва меҳнат гигиенаси;

меҳнат гигиенаси ва физиологияси лабораториясининг **кичик илмий ходимлари;**

ҚИШЛОҚДА КОМПЛЕКС ГИГИЕНА ПРОБЛЕМАЛАРИ БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

мудирлар: қишлоқ гигиенаси (медицина фанлари докторлари, катта илмий ходимлар, биохимия, аналитик химия (фан докторлари, катта илмий ходимлар);

катта илмий ходимлар (медицина фанлари кандидатлари); қишлоқ гигиенаси, пестицидлар гигиенаси ва токсикологияси, минерал ўғитлар, аналитик химия, патоморфология группалари;

кичик илмий ходимлар: қишлоқ гигиенаси, биохимия, патоморфология группалари (2 ўрин);

КЛИНИКА БЎЛИМЛАРИ БЎЙИЧА:

катта илмий ходимлар (медицина фанлари кандидатлари): клиника-функционал диагностикаси, аллергология группалари;

клиника-функционал диагностика бўлимига кичик илмий ходимлар.

ИЛМИЙ-МЕДИЦИНА АХБОРОТЛАРИ БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

кичик илмий ходим — патентшунос.

Конкурс муддати — 23 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700056, Тошкент шаҳри, Циолковский кўчаси, 325-уй. Телефон: 66-19-74.

ТОШКЕНТ, ОБЛАСТЬ, ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН 21-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлайди.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида бадиий хаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси тўгараклари мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 1 ва 3 йил. 3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит-қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН: кичик ветеринар фельдшер, чорвачилик фермаси механизатори, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, автослесарь, кенг ихтисослик тракторчи-машинистлар. Шоферлик, автослесарлик-тракторчилик тувоҳномалари ҳам берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 9 ёки 10-синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома ёки аттестат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси (1, 16, 24-автобусларнинг «Троицкий муюлиши» бекати. Луначарский шоссесидаги «Центр» бекатидан «Тошкент — Ченгелди», «Тошкент — Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар (фан докторлари ва кандидатлари, профессорлар ва доцентлар): тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари, толали материаллар механик технологияси;

доцентлар: сиёсий иқтисод, машина деталлари, иссиқлик техникаси, енгил саноат иқтисоди ва уни ташкил этиш;

катта ўқитувчилар: КПСС тарихи, пахтага дастлабки ишлов бериш корхоналари экономикаси ва уни ташкил этиш, трикотаж ишлаб чиқариши;

ассистентлар: сиёсий иқтисод, инженерлик графикаси, материаллар қаршилиги, жисмоний тарбия ва спорт (4 ўрин).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, 7-хона.

Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
1980—81 ўқув йилига қуйидаги ихтисослар бўйича сиртқи бўлимга

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар 31 августгача қабул қилинади.

Қурилиш ва йўл машиналари ҳамда ускуналари, автомобиль йўллари, автомобиллар ва автомобиль ўжаллари, автомобиль транспорти экономикаси ва уни ташкил қилиш, автомобиль транспортида бухгалтерия ҳисоби.

Адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 32-уй, қабул комиссияси.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Халқ хўжалиги корхоналари ва тармоқларида молия мудирлари, савдо экономикаси;

катта ўқитувчи — рус тили;

катта ўқитувчилар ёки **ассистентлар** — халқ хўжалиги корхоналари тармоқларида молия, пул муомаласи ва кредит.

Самарқанд ва Қарши шаҳарларида ишлаш учун катта ўқитувчи — рус тили.

Конкурс муддати — 19 августгача.

Адрес: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183 «а»-уй.

Узбекистон Фанлар академиясининг
ФИЗИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: овқат ҳазм қилиш физиологияси, умумий физиология (2 ўрин), қон айланиш группаси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, 1-Жуковский тупиги, 47-уй. Телефон 33-21-42.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Қорабайир изидан. Телевизион бадиий фильм. 11.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 — Ф. Мендельсон. 1-квартет. 12.45 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 15.55 — Звездочет. 16.40 — Телестадион. 17.10 — Фильм-концерт. 17.40 — Ишлар адреслари. 18.25 — Қишлоқ: ишлар ва муаммолар. 18.55 — Олимпиада-80. 20 июль кинокундалиги. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Афғон репортажи. 20.30 — Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Украина ССР санъат усталарининг концерти. Танаффус пайтида (22.45) — Дунё воқеалари.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.20 — Бизнинг энага. Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Болалар учун концерт. 19.10 — Партия турмуши. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — И. Исоқов, М. Орипов ва Қ. Юсупов ижросида ўзбек халқ қўшиқлари. 21.30 — Время. 22.05 — Ишга тушириладиган объектлар — сафга. 22.20 — Ганг дарёси устида қуёш. Бадиий фильм. 1-серия.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Малика—қурбақа. 21.05 — Ёшлик. 21.35 — Иккинчи истеъдод. 22.05 — Денгиз пиёдаси. Ҳужжатли фильм. 22.35 — Ким айбдор. Телеспектакль.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 9.30 — Л. Шарипова куйлайди. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Озуқа ва маҳсулдорлик. 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 18.50 — Ёшлик. 19.45 — Э. Солиҳов. Симфонистта. 20.25 — Д. Зокиров. Сув келди, ҳаёт келди. Вокал сюита. 20.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Концерт. 22.30 — «Ёз оқшомлари». Лирик музикали композиция. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02133. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 185. 6